2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 18 (1079), 2024 йил 25 январь, пайшанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЎЗБЕКИСТОН — ХИТОЙ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

**24 январь куни Пекин шаҳри Тяньаньмэнь майдонидаги Халқ йиғинлари уйида давлат ташрифи билан Хитойда бўлиб турган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросими бўлди.**



Давлатимиз раҳбари шарафига фахрий қоровул саф тортди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевни кутиб олди.

Етакчилар икки мамлакат расмий делегациялари аъзоларини қутладилар.

Ҳарбий оркестр ижросида Ўзбекистон ва Хитой мадҳиялари янгради.

Фахрий қоровул бошлиғи Президентимизга рапорт берди. Давлат раҳбарлари фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Шундан сўнг Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг расмий делегациялар аъзолари иштирокидаги музокаралари бўлиб ўтди.

Учрашув аввалида Президентимиз Хитой етакчисига ташриф билан келиш таклифи ва кўрсатилаётган илиқ меҳмондўстлик ҳамда Янги Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг юксак эътирофи учун самимий миннатдорлик билдирди.

Давлат раҳбарлари кейинги йилларда икки томонлама муносабатлар ривожида кучли суръатга эришилганини таъкидладилар.

Барча даражаларда алоқалар фаоллашиб, сиёсий мулоқот мустаҳкамланиб бораётгани, мамлакатларимиз муҳим масалалар юзасидан бир-бирини қўллаб-қувватлаётгани алоҳида мамнуният билан қайд этилди.

Ўтган йил ноябрь ойида Пекин шаҳрида Ташқи ишлар вазирлари стратегик мулоқотининг биринчи йиғилиши бўлиб ўтди. Парламентлараро ҳамкорлик фаоллашди.

Президентимиз ХХР Раисига камбағалликка қарши курашиш бўйича ҳамкорликка шахсан эътибор қаратаётгани ва қўллаб-қувватлаётгани учун ташаккур билдирди.

Томонлар Ўзбекистонда Хитойнинг “Лу Бань устахонаси” профессионал таълим тизимини жорий қилиш бўйича пилот лойиҳа бошланганини олқишладилар.

Савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик жадал ривожланмоқда.

Ўтган йил якунлари бўйича товар айирбошлаш 14 миллиард долларга етди. Яқин истиқболда буни 20 миллиард долларга етказиш учун барча имкониятлар борлиги тўғрисида якдил фикр билдирилди.

Кейинги йилларда Хитойдан Ўзбекистон иқтисодиётига инвестициялар ҳажми беш баробар, қўшма корхоналар сони эса уч баробар ошди.

Инфратузилма, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги ва “яшил” энергетикада технологиялар трансфери соҳаларида ҳамкорлик дастурларини тайёрлаш ва қабул қилишга келишиб олинди.

Шу маънода, ўтган йил охирида Ўзбекистонда Хитой компаниялари иштирокида қуввати 1000 мегаваттлик иккита янги қуёш электр станциялари фойдаланишга топширилгани мамнуният билан қайд этилди.

Хитойнинг етакчи банклари, “Ипак йўли” фонди ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки билан самарали молиявий-техник ҳамкорликнинг бугунги даражаси юқори баҳоланди.

Давлатимиз раҳбари инвестиция лойиҳаларини қўллаб-қувватлашнинг молиявий воситаларини кенгайтириш, жумладан, қўшма платформа яратиш борасида келишувларга эришилганини, шунингдек, Хитой Эксимбанкининг Тошкент шаҳрида Марказий Осиё учун минтақавий офис очиш қарорини олқишлади.

Президентимиз хитойлик шерикларни Ўзбекистондаги давлат корхоналари ва банкларини хусусийлаштириш жараёнларида фаол иштирок этишга чақирди.

Етакчилар ҳудудлараро алмашинувлар фаоллашганига мамнуният билдирдилар. Бу борадаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш учун Ўзбекистон ва Хитой ҳудудлари кенгашини тузишга келишиб олдилар.

“Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида Трансминтақавий транспорт ва транзит кўпригининг муҳим таркибий қисми бўладиган “Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон” темир йўлини қуриш бўйича амалий ишларни тез фурсатда бошлаш муҳим экани таъкидланди.

Куни кеча Пекинда биринчи таълим форуми, Шанхайда Ўзбекистоннинг туризм имкониятлари кўргазмаси муваффақиятли ўтгани қайд этилди. Шу кунларда ўтаётган Ўзбекистон маданияти кунлари доирасидаги тадбирлар Хитой пойтахти аҳолиси ва меҳмонларида катта қизиқиш уйғотди.

Таълим ва туризм соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш, ўзаро маданият кунларини ўтказиш амалиётини давом эттириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Қўшма Ёшлар инновация форумини ўтказиш таклиф қилинди.

Режалаштирилган барча тадбирлар ва илгари сурилган ташаббусларни амалга ошириш мақсадида томонлар Ҳукуматлараро қўмита ва унинг барча кичик қўмиталари йиғилишларини жорий йилнинг биринчи ярмида ўтказишга аҳдлашиб олди.

Минтақавий кун тартиби ва халқаро сиёсатнинг долзарб масалалари юзасидан ҳам фикр алмашилди.

“Ягона Хитой” сиёсати ҳамда “уч ёвуз куч”га қарши курашиш борасидаги позиция ўзгармас экани тасдиқланди.





Музокаралар якунида Ўзбекистон етакчиси ХХР раҳбарини ташриф билан мамлакатимизга келишга таклиф қилди ҳамда дўст Хитой халқини яқинлашиб келаётган хитойча Янги йил — “Чунь Цзе” байрами билан табриклади.

Учрашув ҳар доимгидек ишонч, очиқлик ва дўстлик руҳида ўтди.

Олий даражадаги музокаралардан сўнг икки томонлама ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Қўшма баёнот имзоладилар.

Унда томонларнинг ўзаро манфаатли ҳамкорликни турли соҳаларда ҳар томонлама мустаҳкамлаш ҳамда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги барча шароитларда ҳар томонлама стратегик шерикликни мазмун жиҳатидан бойитишга интилиши тасдиқланган.

Етакчилар ҳузурида қуйидагилар имзоланди:

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида техник-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида инсон ресурсларини ривожлантириш бўйича ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Хитой Халқ Республикаси Ҳукумати ўртасида давлат илмий-тадқиқот муассасалари ҳамкорлиги тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги ўртасида хитой тилини ўқитиш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим;

— Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Божхона бош бошқармаси ўртасида Ўзбекистондан Хитойга нўхат экспорт қилишда фитосанитар талаблар ва назорат тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Ислоҳотлар ва ривожланиш давлат қўмитаси ўртасида Хитой — Марказий Осиё — Европа темир йўл экспресслари бўйича ҳамкорликни чуқурлаштириш тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Тижорат вазирлиги ўртасида янги электр транспорт воситалари соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ масалалари вазирлиги ўртасида камбағалликни қисқартириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида аҳдлашув баённомаси;

— Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ва Хитой Халқ Республикаси Фан ва технологиялар вазирлиги ўртасида илмий-техник ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш тўғрисида ҳамкорлик баённомаси;

— Ўзбекистон Республикаси Техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги ва Хитой Халқ Республикаси Стандартлаштириш маъмурияти ўртасида стандартлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида баённома;

— Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиги ва Хитой фуқаролик авиацияси бошқармаси ўртасида “Ҳаво ипак йўли”ни биргаликда барпо этиш тўғрисида келишув;

— Ўзбекистон Республикаси Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳузуридаги Туризм қўмитаси ва Хитой Халқ Республикаси Маданият ва туризм вазирлиги ўртасида 2024-2026 йилларда туризм соҳасидаги ҳамкорлик режаси;

— Тошкент вилояти ва Шэньси музофоти ўртасида шериклик алоқаларини ўрнатиш тўғрисида битим;

— Самарқанд ва Циндао шаҳарлари ўртасида шериклик муносабатларини ўрнатиш тўғрисида битим ва бошқалар.

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши Бош вазири Ли Цян билан учрашди.

Халқ йиғинлари уйида ўтган учрашувда кўп қиррали амалий ҳамкорликни, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада янада кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди.

ХХР ҳукумати раҳбари икки мамлакат етакчиларининг сиёсий иродаси ва биргаликдаги саъй-ҳаракатлари туфайли Ўзбекистон — Хитой муносабатлари барча соҳа ва йўналишларда мисли кўрилмаган даражага кўтарилганини қайд этди.

Ўтган йилда товар айирбошлаш 50 фоизга ошиб, рекорд кўрсаткич — 14 миллиард долларга етди. Бу кўрсаткични, шу жумладан, юқори сифатли саноат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўзаро етказиб беришни кўпайтириш ҳисобига 20 миллиард долларга етказиш учун салоҳият мавжудлиги таъкидланди. Хитойдан Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 14 миллиард доллардан ошди.

Инфратузилмани модернизация қилиш, саноат кооперациясини, қишлоқ хўжалигида технологиялар трансферини кенгайтириш ва “яшил” энергетикани ривожлантириш бўйича алоҳида ҳамкорлик дастурларини тайёрлаш масалалари муҳокама қилинди.

Шунингдек, Хитойнинг етакчи банк-молия институтлари билан амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш ҳамда Хитой компанияларининг мамлакатимиздаги хусусийлаштириш жараёнларида иштирок этиши истиқболлари кўриб чиқилди.

*Давоми 2-бетда*

**Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар, қўшма корхоналар сони уч баробарга кўпайгани эътиборга молик ютуқлар бўлиб, ҳамкорликнинг жадал ва истиқболли хусусиятидан далолат беради.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 25 январь, 18-сон
www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz

# ЎЗБЕКИСТОН – ХИТОЙ: СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ТАШАББУСЛАР ВА САМАРАЛИ МУЛОҚОТЛАР

Бошланиши 1-бетда

22 январь куни Урумчи шаҳрида ўтган биринчи Ўзбекистон — Хитой ҳудудлар форуми ва саноат кўргазмаси натижалари юқори баҳоланди.

Хитойда шу кунларда таълим форуми ва Ўзбекистон маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилаётгани қайд этилди. Томонлар авиақатновлар ва сайёҳлик алмашинувини янада кенгайтириш муҳимлигини таъкидладилар.

Якунда Президентимиз ХХР Давлат кенгаши Бош вазирини ташриф билан Ўзбекистонга келишга таклиф қилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Халқ сиёсий маслаҳат кенгаши Бутунхитой қўмитаси Раиси Чжао Лэцзи билан учрашув ўтказди.

Суҳбатда Ўзбекистон — Хитой муносабатларида юксак даражага эришилгани мамнуният билан қайд этилиб, бу галги ташриф ҳар томонлама стратегик шерикликни кенгайтиришга янги кучли суръат бағишлашига ишонч билдирилди.

Кейинги йилларда ўзаро савдо ҳажми икки баробар, қўшма корхоналар сони уч баробар ошди.

Ҳудудлараро кооперация кенгайди, 22 январь куни Урумчи шаҳрида бўлиб ўтган биринчи Ўзбекистон — Хитой ҳудудлар форумининг самарали натижалари бундан далолат бермоқда.

Хитойнинг камбағалликка қарши курашиш борасидаги тажрибаси фаол жорий қилинмоқда.

Учрашувда мамлакатимиз техник йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаш марказларини ташкил этиш, Хитойнинг ижтимоий ҳимоя ва суғурта, аҳолига манзилли ёрдам кўрсатиш борасидаги тажрибасини ўрганишдан манфаатдор экани таъкидланди.

Парламентлар ўртасидаги мулоқотни кенгайтириш ва “Ўзбекистон — Хитой” дўстлик гуруҳларини фаоллаштириш зарурлиги қайд этилди.

Олий даражадаги келишувларнинг амалга оширилиши устидан таъсирчан парламент назоратини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Маданий-гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

Ўтган йили Ўзбекистонда Хитой маданияти кунлари ўтказилгани, айни пайтда Пекинда Ўзбекистон маданияти кунлари доирасида ўтаётган тадбирлар мамнуният билан қайд этилди.

> **Учрашувда мамлакатимиздаги қўшма лойиҳалар портфели 3,5 миллиард долларга етгани мамнуният билан қайд этилди. Банкнинг Тошкент шаҳрида минтақавий офис очиш ҳамда транспорт ва ижтимоий инфратузилма, саноат ва хусусий секторни ривожлантириш бўйича янги истиқболли лойиҳаларни шакллантириш борасидаги режалари кўриб чиқилди.**

Президент Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳридаги Тяньаньмэнь майдонига ташриф буюрди.

Ўзбекистон ва ХХР давлат мадҳиялари янгради. Давлатимиз раҳбари Халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги пойига гулчамбар қўйиб, XIX-XX асрларда Хитой мустақиллиги ва озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Тяньаньмэнь майдони хитой миллатининг рамзий юраги ҳисобланади.

1949 йил 1 октябрь куни айнан шу ерда Хитой Халқ Республикаси ташкил этилгани эълон қилинган. Халқ қаҳрамонлари ёдгорлиги XX асрнинг ўрталарида бунёд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Хитойга давлат ташрифининг ишбилармонлик тадбирлари доирасида Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки бош қароргоҳига ташриф буюриб, банк президенти Цзинь Лицюнь билан музокара ўтказди.

Ушбу етакчи халқаро молиявий институт билан стратегик шерикликни янада кенгайтиришнинг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Кейинги йилларда банк билан ҳамкорлик мисли кўрилмаган юксак даражага кўтарилди. Қўшма лойиҳалар портфели 3 миллиард доллардан ошди. 2023 йилнинг ўзида жалб қилинган инвестициялар ҳажми 1 миллиард долларга етди.

Энергетика, сув таъминоти, автомобиль ва темир йўлларни реконструкция қилиш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш бўйича муҳим лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари стратегик хомашёни чуқур қайта ишлаш лойиҳаларини молиялаштиришни кенгайтириш ҳамда давлат-хусусий шериклик асосида ижтимоий аҳамиятга эга дастурларни амалга ошириш муҳимлигини қайд этди.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган таркибий ислоҳотлар доирасида устувор йўналишлардаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича 2026 йилгача мўлжалланган қўшма Ҳамкорлик дастури қабул қилинди.

Марказий Осиё минтақасидаги стратегик муҳим инфратузилмавий лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Банк бошқарувчилари кенгашининг жорий йил сентябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлажак йиллик йиғилишига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишнинг амалий жиҳатлари ҳам муҳокама қилинди.

Президент Шавкат Мирзиёев CNPC нефть-газ корпорацияси раиси Дай Хоулянни қабул қилди.

Хитой миллий нефть-газ корпорацияси ўз соҳасида жаҳоннинг илғор компанияси бўлиб, “Fortune Global 500” рейтингида етакчи ўринларни эгаллаб келмоқда. Нефть ва газ қазиб олиш бўйича йирик лойиҳаларни, шу жумладан, хорижий мамлакатларда амалга ошириш борасида катта тажрибага эга.

Учрашувда Ўзбекистонда ерости газ сақлаш сиғимларини барпо этиш ва газ етказиш тизимларини модернизация қилиш, замонавий бурғилаш технологияларини жорий қилиш ва нефть-газ тармоғи учун мутахассислар тайёрлаш бўйича истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Шавкат Мирзиёев Хитойнинг CITIC корпорацияси раҳбари Си Гохуа билан ҳам учрашув ўтказди.

Хитой мулкни бошқариш бўйича халқаро инвестиция корпорацияси молиявий хизматлар кўрсатувчи ҳамда йирик саноат ва инфратузилма лойиҳаларини амалга оширувчи етакчи компаниядир. Унинг активлари қарийб 1,5 триллион долларни ташкил этади.

Учрашувда қўшма лойиҳалар портфелини кенгайтириш масалалари кўриб чиқилди, бунда асосий эътибор мамлакатимиз йўл-транспорт ва муҳандислик инфратузилмасига, ирригация тизимларини модернизация қилишга қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Пекин шаҳридаги тадбирлар доирасида Хитой Экспорт-импорт банки раиси Ву Фулинни қабул қилди.

ХХР Эксимбанкига 1994 йилда асос солинган. Активлари қиймати 800 миллиард доллардан ортиқ бўлган банк ташқи савдо ва халқаро иқтисодий ҳамкорликни қўллаб-қувватлаш бўйича Хитойнинг етакчи молиявий институтидир.

Учрашувда мамлакатимиздаги қўшма лойиҳалар портфели 3,5 миллиард долларга етгани мамнуният билан қайд этилди. Банкнинг Тошкент шаҳрида минтақавий офис очиш ҳамда транспорт ва ижтимоий инфратузилма, саноат ва хусусий секторни ривожлантириш бўйича янги истиқболли лойиҳаларни шакллантириш борасидаги режалари кўриб чиқилди.

Пекин шаҳридаги тадбирлар дастури якунлангач, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шэньчжэнь шаҳрига келди.

Аэропортда олий мартабали меҳмонни Гуандун музофотининг расмий шахслари кутиб олди.

25 январь куни давлатимиз раҳбари Ўзбекистон — Хитой инвестиция форумида иштирок этади, ХХР етакчи компаниялари ва молиявий тузилмалари раҳбарлари билан учрашувлар ўтказади.

Шэньчжэнь — Хитойнинг аҳоли сони бўйича учинчи шаҳри ҳамда Гуандун музофотидаги махсус иқтисодий ҳудуддир. Технологиялар, тадқиқотлар, ишлаб чиқариш, бизнес ва иқтисодиёт, туризм ва транспорт борасида глобал марказлардан бири, контейнерли юклар билан ишлаш қуввати бўйича дунёдаги тўртинчи денгиз портидир.

**ЎзА**

## Биз ва дунё

# ТИНЧЛИК ВА ФАРОВОНЛИК ЙЎЛИДА

## БАРЧА УЧУН БАРҚАРОР КЕЛАЖАКНИ ҚУРИШ МАҚСАДИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

**Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 23 январь куни Хитой Халқ Республикасига бошланган уч кунлик давлат ташрифи ва унинг дастлабки натижалари халқаро экспертлар ҳамжамиятида катта қизиқиш уйғотмоқда.**

**Жерри МАКДОНАХ,
Жанубий Лондон Савдо-саноат палатаси ижрочи директори
(Буюк Британия):**

— Ташриф, шубҳасиз, икки буюк давлат ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамловчи тарихий муҳим воқеадир. Ушбу учрашув узоқ муддатли маданий, дипломатик ва иқтисодий алоқаларни ифодалайди. Бунда ўзбек ва хитой халқлари нафақат товар ва хизматлар, балки ўз маданий бойликларини ҳам алмашади.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар қадимдан яқин бўлиб, бу ҳамкорликнинг янги босқичига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бир пайтлар маданий алмашинув йўли бўлган Буюк ипак йўли бугунги кунда икки халқ ўртасидаги иқтисодий, маданий-гуманитар кўприкка айланиб бормоқда.

Мамлакатлар раҳбарлари ўртасида ишончли ва дўстона муносабатлар ўрнатилган бўлиб, бу ўзаро англашув ва ҳамкорликни мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Кейинги йилларда амалга оширилган олий даражадаги ташрифлар уларнинг ривожланишига кучли туртки берди.

Икки давлат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоҳида аҳамият касб этмоқда. Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик савдо ва сармоявий шеригига айланиб, ҳар икки давлат иқтисодиёти ривожланиши учун янги истиқболларни очмоқда. “Ангрен — Поп” темир йўл туннели ва Марказий Осиё — Хитой газ қувурлари қурилиши каби лойиҳалар кенг кўламли интеграцияга интилишдан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2024 йилда Хитойга давлат ташрифи муносабатлар тарихида муҳим қадам бўлди. Бу нафақат дипломатия ва иқтисод соҳасидаги ютуқларни мустаҳкамлайди, балки ҳар икки давлат ва уларнинг фуқаролари манфаатига қаратилган ҳамкорлик учун янги уфқларни очади.

**Ги Оливье ФОР,
Париж V Сорбонна университети фахрий профессори (Франция):**

— Ташриф жуда муҳим ташаббус бўлиб, Ўзбекистоннинг янада уйғун ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Чунки мазкур ташриф икки томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорликни миқдор ва сифат жиҳатидан янада кенгайтиришга хизмат қилади.

Қамраб олинган соҳалар спектри кенг қамровли бўлиб, сиёсий мулоқот ва иқтисодий ҳамкорликни, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик ва “яшил” энергияга ўтиш каби кенгайиб бораётган янги соҳаларни ўз ичига олади. Ва ниҳоят, маданий алмашинув ва илмий ҳамкорлик келажакка муҳим сармоядир.

Хулоса ўрнида таъкидламоқчиманки, Президент Шавкат Мирзиёев бутун Марказий Осиёни ривожлантириш бўйича муҳим ва аниқ қарашларга эга. Хитойга давлат ташрифи тинчлик ва фаровонлик йўлида барча учун яхшироқ келажакни барпо этиш мақсадидаги муҳим қадамдир.

> **Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги муносабатлар қадимдан яқин бўлиб, бу ҳамкорликнинг янги босқичига салмоқли ҳисса қўшмоқда. Бир пайтлар маданий алмашинув йўли бўлган Буюк ипак йўли бугунги кунда икки халқ ўртасидаги иқтисодий, маданий-гуманитар кўприкка айланиб бормоқда.**

**Руди ФАНГ,
Ўзбекистон — Сингапур туризмни ривожлантириш маркази раҳбари, “CASEA” Марказий ва Жануби-Шарқий Осиё бизнес-палатаси бош директори:**

— Ташриф икки давлат ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим қадам бўлди. Савдо-иқтисодий соҳадаги амалий ҳамкорликни кенгайтириш юзасидан бўлиб ўтган кўп томонлама муҳокамалар алоҳида эътиборга лойиқ.

Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини 20 миллиард долларга етказишдек улкан мақсадларни эшитиш қувонарлидир. Бу эса мамлакатлар ўртасидаги ҳамкорлик, айниқса, сифатли қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш борасида улкан салоҳият мавжудлигини тасдиқлайди.

Бундан ташқари, Хитойнинг Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган салмоқли сармоялари хитойлик ҳамкорларнинг ишончи ва кенг кўламли ислоҳотларни қўллаб-қувватлаётганидан далолат беради.

Инфратузилмани модернизация қилиш, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалигида технологиялар трансфери ва “яшил” энергетикани ривожлантириш каби муҳим йўналишларда ҳамкорлик дастурлари тайёрланаётгани ҳар икки мамлакат учун барқарор ва фаровон келажак сари муҳим қадам ҳисобланади. Хитойнинг етакчи банк-молия институтлари билан ўзаро ҳамкорликни чуқурлаштириш, шунингдек, ХХР компанияларини Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнларига жалб этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани бу ҳамкорликнинг кўп қиррали эканини яна бир бор намоён этади.

Кейинги йилларда ўзаро товар айирбошлаш ҳажми икки баробар, қўшма корхоналар сони уч баробарга кўпайгани эътиборга молик ютуқлар бўлиб, ҳамкорликнинг жадал ва истиқболли хусусиятидан далолат беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларига янги таъсирчан суръат бағишлашига ишонаман.

**Шерадил БАКТИГУЛОВ,
сиёсатшунос (Қирғизистон):**

— Ушбу ташриф Ўзбекистон Президентининг 2024 йилдаги илк хорижий сафаридир. Бунда чуқур рамзийлик бор. Хитой, шунингдек, Марказий Осиё минтақасидаги аҳолиси сони бўйича энг йирик давлат ҳисобланган Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларда етакчилик қилмоқда. Бундан ташқари, ҳар икки давлат халқаро муносабатлар тизимида ўз ташқи сиёсатини халқаро ҳуқуқ нормалари доирасида, миллий манфаатларини ҳисобга олган ҳолда қуришда масъулиятли давлат сифатида намоён бўлмоқда.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ҳам, Хитой ҳам “win-win” формуласидан фойдаланган ҳолда халқаро муаммоларни ҳал қилишда мослашувчанликни намойиш этмоқда. Бу формула Шавкат Мирзиёевнинг “Тинчлик ва хавфсизлик учун Самарқанд бирдамлик ташаббуси” (2022 йил) ва Си Цзиньпиннинг “Глобал цивилизация ташаббуси” (2023 йил март) цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни йўлга қўйишдек эзгу мақсадга эришишга қаратилган.

Бундай ёндашув Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик учун ишончли замин яратди. Биринчи натижалар узоқ кутилмади. Хитой Ўзбекистоннинг энг йирик инвестори ва савдо ҳамкорига айланди. Ўзбекистон бизнеси Хитойда ўз иштирокини ишонч билан кенгайтирмоқда. Масалан, Ўзбекистон гилос, мош, қуритилган узум каби мевалар бўйича энг йирик етказиб берувчи ҳисобланади. Хитой бизнеси Ўзбекистон ҳудудларида тобора кўпроқ янги ишлаб чиқариш қувватларини очмоқда. Уяли телефонлар, юк ва енгил автомобиллар, санитария-техник воситалар, цемент ва бошқа юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар бозори учун янада катта ҳажмда ва тобора кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.

2023 йил якунларига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 13,7 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Икки давлат ўртасидаги ҳамкорликнинг юқори динамикаси беш йил ичида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 20 миллиард долларга етишига ишонч уйғотади.

> **Ўзбекистон гилос, мош, қуритилган узум каби мевалар бўйича энг йирик етказиб берувчи ҳисобланади. Хитой бизнеси Ўзбекистон ҳудудларида тобора кўпроқ янги ишлаб чиқариш қувватларини очмоқда. Уяли телефонлар, юк ва енгил автомобиллар, санитария-техник воситалар, цемент ва бошқа юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар бозори учун янада катта ҳажмда ва тобора кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.**

Таъкидлаш керакки, савдо ҳамкорликнинг бошқа йўналишларига ажойиб қўшимча ҳисобланади. Саккиз мингдан ортиқ ўзбекистонлик ёшлар Хитойдаги олий ўқув юртларида таҳсил олмоқда. Илмий-маданий алоқалар кенгаймоқда. Дунёнинг бошқа мамлакатларида бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам Хитойни ўрганишга қизиқиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Бу ажабланарли эмас. Зеро, унинг иқтисодий жиҳатдан тез кўтарилиши ҳақиқатан таъсирли. 1,4 миллиард аҳолига эга мамлакат 40 йилдан ортиқ вақт давомида инсон ҳаёти ва фаолиятининг барча жабҳаларида жадал ўсиш суръатларини намойиш этиб келмоқда.

Ўн йилдан ортиқ вақт давомида Жаҳон банки Хитойни ялпи ички маҳсулот ҳажми бўйича дунёда иккинчи ўринда қайд этади. Хитой энг йирик таълим, ижтимоий таъминот, тиббиёт ва соғлиқни сақлаш тизимларига эга. Мамлакат ҳокимияти органларининг саъй-ҳаракатлари натижасида аҳолининг ўртача умр кўриши 1960 йилдаги 33 ёшдан 78,2 ёшга кўтарилди. Хитойда бир миллиарддан ортиқ киши асосий кексалик суғуртаси билан қопланган. Асосий тиббий суғуртада иштирок этиш даражаси 95 фоизга барқарорлашди. Хитой ўз тажрибаси ва билимларини саховат билан баҳам кўришга тайёр. Шу боис, Марказий Осиё давлатлари “Бир макон, бир йўл” ташаббусидаги иштирокини кенгайтирмоқда.

Мазкур ташаббус йўналишларидан бири логистика инфратузилмасини яратишдир. Ўзбекистон бу борада Хитой ва Марказий Осиё ўртасида жаҳон бозорига чиқадиган юк ва йўловчиларни ташиш бўйича мультимодал йўналишлар тизимини яратишда, шунингдек, юқори технологияли инфратузилмани барпо этишда нафақат Осиёда, балки Европа, Африка ва ундан кейин Америка ва Австралия билан қитъалараро алоқалар доирасида юк ва йўловчилар логистикаси учун муҳим роль ўйнашини алоҳида таъкидлаш лозим.

Икки давлат раҳбарлари томонидан белгилаб берилган тараққиёт мақсадлари Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик янги марраларни забт этаётганига ишончимизни оширади. Қайд этиш керакки, икки давлат равнақи, уларнинг доно ва узоқни кўра билувчи раҳбарияти, битмас-туганмас салоҳият ҳамда икки халқнинг машаққатли меҳнатига асосланади.

**“Дунё” АА**

**Жамият — ислоҳотлар ташаббускори**

# ҲАЁТ ВА ҲАЁТИЙЛИК ИФОДАСИ

## Давлат дастурлари таҳлили нималардан далолат беряпти?

YUKSALISH

**Ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини юзага чиқариш учун муносиб шароит яратиш, барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим йўналишига айланган. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилмоқда. Бешта йўналиш ва юзта асосий мақсадни бирлаштирган ушбу ҳужжат тараққиёт стратегиясини амалга ошириш жараёнида орттирилган бой тажриба ҳамда кенг жамоатчилик муҳокамаси асосида ишлаб чиқилган.**





Мазкур стратегия қабул қилинганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо унда белгиланган вазифаларни рўёбга чиқариш, ислоҳотлардан ҳар бир инсоннинг баҳрамандлигини ошириш борасида муҳим қадамлар ташланди. Ҳар бир ислоҳотнинг натижаси эса, аввало, оддий инсонлар ҳаётида, оилалар турмушида қандай ўзгариш ясаётгани билан ўлчанади. Қолаверса, соҳа ва тармоқларда рўй бераётган янгиланишлар, чирой очаётган ҳудудлар қиёфаси ҳам бу борада муҳим мезон бўлиб хизмат қилади.

**“Юксалиш” ҳаракати раиси Бобур БЕКМУРОДОВ** билан суҳбатимиз юртимизда рўй бераётган ана шундай янгиланиш жараёнлари, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини ҳаётга татбиқ этиш самаралари ва бу йўналишда мазкур нодавлат тузилма фаолиятининг ўзига хос қирралари ҳақида бўлди.

### ҚИСҚА ФУРСАТДА САЛМОҚЛИ НАТИЖА

**— “Ўзбекистон — 2030” стратегияси мамлакатни барча соҳаларда тараққий эттиришни кўзда тутувчи муҳим ҳужжат ҳисобланади. “Юксалиш” ҳаракати мазкур ҳужжат доирасида қабул қилинаётган давлат дастурларининг ижросини мониторинг қилиб боради. 2023 йил давомида бажарилган ишларга қандай баҳо берасиз?**

— Инсоният тамаддуни босқичларига эътибор қаратадиган бўлсак, барча даврларда кишилик жамияти, аввало, халқ билан мулоқот ва кенгаш самарасида юксалишга эришганига гувоҳ бўламиз. Бугун юртимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар ҳам айнан ана шундай эзгу қадриятлар бардавомлигини таъминлашга хизмат қилаётгани қувонарлидир.

Янги Ўзбекистонни барпо этишга йўналтирилган ислоҳотлар айнан халқимиз билан бамаслаҳат амалга оширилаётгани, бу жараёнда жамоат ташкилотлари халқ ва давлат ўртасида мустаҳкам кўприк вазифасини бажараётгани жамиятимизда очиқлик, ошкораликни таъминлаш, юртимиздаги ислоҳотларда халқимиз фаоллигини оширишга замин яратмоқда. Хусусан, бу ҳамкорлик ҳар йили қабул қилинадиган давлат дастурлари ва бошқа муҳим ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш жараёнида ҳам яққол кўзга ташланади.

Шуниси эътиборлики, халқимизнинг фаровон ҳаёти ва ислоҳотлар самарадорлиги ҳам айнан ушбу дастурнинг қанчалик сифатли ва ўз вақтида амалга оширилишига боғлиқ. Шу маънода, 2023 йил “Ўзбекистон — 2030” стратегияси ижросининг дастлабки йили бўлганига қарамай, кўплаб ижобий қадамлар ташланди.

Аввало, давлат хизматларини кўрсатиш соҳасида навбатдаги енгилликлар яратилганини таъкидлаш зарур. 2023 йил давомида 205 та янги хизмат тури жорий қилиниб, жами хизматлар сони 575 тага етган. Мисол учун, эндиликда пенсия тайинлаш учун ариза топширишга ортиқча вақт сарфлашга ҳожат қолмади. Бунинг учун анчагина соддалаштирилган тартибда интернет орқали ариза бериш имконияти яратилди. Худди шу каби бошқа хизматлар ҳам сиз-у бизнинг ҳаётимизни анчагина осонлаштиради.

Муҳим вазифалардан яна бири сифатида йўлларда ҳаракат тезлигини 70 километр соат тезликдан 60 километр соатга тушириш масаласи ҳал этилди. Айтиш мумкинки, ушбу қарор ҳам кўплаб йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда кўпчиликнинг эътирозига сабаб бўлаётган энергетика соҳасини ҳам эслаб ўтиш мақсадга мувофиқ. Тўғри, ҳозирда соҳа трансформация жараёнида бўлиши билан бирга, жорий йилда кўплаб йирик қувватлар ишга туширилди. Хусусан, илк бор 100 фоиз тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ҳисобидан давлат-хусусий шериклик асосида Кармана ва Нуробод туманларида умумий қуввати 200 мегаваттлик қуёш станциялари барпо этилиб, ўтган даврда ушбу қувватлар 1 миллиард киловатт/соат “яшил” энергия ишлаб чиқарди. Умуман олганда, биргина 2023 йилда умумий қуввати 2,4 гигаваттлик “яшил” электр станциялари ишга туширилди. Шунингдек, 100 та подстанция, 11,5 мингта трансформатор ва 34 минг километр тармоқлар янгиланди.

Ўсиш кузатилган йўналишлардан яна бири — транспорт соҳаси. Тўғри, мазкур йўналишда ҳам фойдаланилмаган имкониятлар етарли. Бироқ ўтган йили амалга оширилган ишларни муносиб баҳоламаслик адолатдан бўлмайди. Масалан, мамлакатимизга 100 та электробус ва 103 та Yutong автобуси, шунингдек, 30 та 18 метрлик King Long автобуси келтирилди. Тошкент метрополитенининг 5 та янги бекати ишга туширилди. Ўзбекистондаги авиакомпаниялар сони ошди ва маҳаллий рейслар сони ортиб, авиачипталар нархи бирмунча арзонлашди. Буларнинг барчаси ички ва ташқи туризм ривожи, демакки, иқтисодиётимиз барқарорлигини таъминлашга ижобий таъсир кўрсатади, албатта.

2023 йилда тиббиётда ҳам қатор ютуқларга эришилди. Хусусан, бир қанча мураккаб жарроҳлик амалиётлари, трансплантологик операциялар ўтказиш мураккаб амалиёти туман даражасигача туширилди. Қолаверса, соҳада яна қатор юқори технологик амалиётлар, роботохирургик, кардиохирургик операциялар ўтказиш йўлга қўйилди. Жумладан, юртимизда биринчи бор кичик ёшли беморларда буйрак кўчириш ва суяк кўмиги аутотрансплантацияси амалиёти бажарилгани ҳамда эпилепсия касаллигида чип ўрнатиш ва умуртқа поғонаси қийшиқлиги радикал коррекцияси каби ноёб жарроҳлик операциялари ўтказилди.

Бирламчи бўғинда эса кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажми рўйхати белгиланиб, аҳолига давлат томонидан 235 турдаги дори воситаси бепул бериладиган бўлди. Республика тез тиббий ёрдам маркази ҳудудий филиалларига қарийб 800 та замонавий “Volkswagen Caddy” автомашинаси топширилди.

Умуман, бундай муҳим натижалар барча соҳаларда кўзга ташланди. Энг асосийси, белгиланган мақсадларга эришиш учун ҳам қонуний, ҳам ташкилий вазифалар амалга оширилмоқда. Эндиликда 2024 йил учун мўлжалланган мақсадли кўрсаткичларга эришиш лозим.

Булар қандай кўрсаткичлар? Биласизки, стратегияда 5 та йўналишда 100 та мақсадни амалга ошириш кўзда тутилган. Ҳар бир мақсадга эришиш учун эса бир қатор мақсадли кўрсаткичларни бажариш белгиланган. Уларнинг барчасига тўхталиб ўтишга вақт етмаса-да, тушунарли бўлиши учун айримларини санаб ўтмоқчиман.

Стратегиянинг биринчи йўналиши ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароит яратишни кўзда тутади. Мазкур йўналишда 2024 йилда эришилиши лозим бўлган кўрсаткичлардан бири, бу — болаларнинг мактабгача таълим билан қамров даражасини 76 фоизга ёки тоза ичимлик сув ва санитария-гигиена инфратузилмаси билан таъминланган давлат мактабгача таълим ташкилотлари улушини 80 фоизга етказиш. Худди шундай кўрсаткичлар тиббиёт соҳасида ҳам назарда тутилган. Хусусан, диабет касаллиги бор беморларни даволаш билан тўлиқ қамраб олиш вазифаси белгиланган.



Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш йўналишида жорий йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 95 миллиард долларга, аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ кўрсаткичини 2,6 минг долларга етказиш, 20 минг дона электромобиль ишлаб чиқариш каби вазифаларни ҳам мисол келтириш мумкин.

Сув ресурсларини тежаш ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш йўналишида томчилаб суғориш технологияси қамровини 550 минг гектаргача етказиш, 2 та ҳудудда экологик тоза ҳудуд режимини жорий қилиш, 444 та яшил боғлар барпо этиш, 93 та саноат корхонасида локал оқова тозалаш иншоотларини қуриш ва реконструкция қилиш каби мақсадли кўрсаткичларга эришишга доир белгиланган вазифалар ҳам долзарблиги нуқтаи назаридан алоҳида таъкидга сазовор.

Қонун устуворлигини таъминлаш, халқ хизматидаги давлат бошқарувини ташкил этиш йўналиши бўйича жорий йил маҳаллаларда 15 та давлат хизматини “бир қадам”да кўрсатишни йўлга қўйиш, ҳокимликлар фаолиятига хос бўлмаган 80 та вазифани, давлат органлари ва ташкилотларида мурожаатларни қоғоз шаклида рўйхатга олиш амалиётини тўлиқ бекор қилиш каби мақсадли кўрсаткичлар доирасида “Инсон қадри учун” ғояси асосида бошланган ислоҳотлар изчил давом эттирилади.

Хавфсиз ва тинчликсевар давлат тамойилига асосланган сиёсатни изчил давом эттириш йўналишида эса биродарлашган шаҳарлар сонини 65 тага етказиш, ватандошлар иштирокида тиббиёт, таълим ва илм-фан соҳаларида 15 та лойиҳани амалга ошириш вазифаси назарда тутилган.

Юқорида айтилганидек, 100 мақсадга эришиш учун қатор кўрсаткичлар назарда тутилган ва уларнинг ҳар бирига эришиш муҳим ва долзарб ҳисобланади.

### КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ — ДЕМОКРАТИЯНИНГ МУҲИМ ЭЛЕМЕНТИ

**— “Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари” тамойилининг ҳаётимиздаги ифодаси нималарда намоён бўлмоқда?**

— Демократияни кучли фуқаролик жамиятисиз тасаввур этиб бўлмайди. Яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, кучли фуқаролик жамиятисиз ҳеч бир давлат бизда демократия бор, деб гапиришга ҳақли эмас. Шу маънода, фуқаролик жамияти демократиянинг муҳим элементларидан биридир. Мамлакатимизда фуқаролик жамияти нималарда ёки жамият ҳаётининг қайси жабҳаларида ўз сўзи ва ўрнига эга эканига қараб юқоридаги тамойил ҳаётимизда аксини топаётганини кўриш мумкин.

Биринчидан, бугун қарорлар қабул қилиш жараёни бевосита халқ билан бамаслаҳат амалга оширилмоқда. Қайси бир қонун лойиҳаси бўлмасин, агарда у кенг жамоатчилик эътирозларига сабаб бўлса, албатта, тегишли ўзгартиришлар киритилмоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистонда ҳар йили юзлаб янги нодавлат нотижорат ташкилотлар рўйхатдан ўтмоқда ва уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётимизга таъсири тобора ортиб бораётир. Ўтган йили 544 та янги нодавлат нотижорат ташкилоти давлат рўйхатидан ўтказилган.

Учинчидан, бугун давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамият олдидаги ҳисобдорлик масаласи кун тартибига чиқди. Агар жамиятни бирор-бир масала ташвишга соладиган бўлса, бунга масъул ташкилотлардан тегишли жавобни олиш ортиқча муаммо бўлмай қолди. Фуқаролар томонидан жамоатчилик назорати механизми амалда ишлашни бошлади.

Фикримга қўшимча сифатида Ўзбекистонда эркин ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларни миллий ва халқаро ҳамжамиятга етказиш, фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш истиқболларини муҳокама қилиш, тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш учун ўзига хос платформа яратилганини айтмоқчиман. Бу “Юксалиш” ҳаракатининг ташаббуси билан ҳар йили ўтказиб келинадиган “Фуқаролик жамияти ҳафталиги”дир.

Ҳафталикда иштирок этаётган нодавлат нотижорат ташкилотлари сони ҳам, муҳокама мавзулари ҳам йил сайин кенгаймоқда. Бу гал ичимлик сув таъминотидан тортиб ижтимоий масъулиятли бизнес, ногиронлик ва гендер тенглик, маъмурий ислоҳотларгача долзарб масалаларга эътибор қаратилди. Лекин ушбу йўналишда ҳали қилинадиган ишлар етарлича, деб ҳисоблайман. Масалан, маҳаллий ННТлар фаолиятини янада кучайтириш керак. Улар маҳаллий бошқарув органларига маълум бир муаммоларни ечишда кўмакчи бўлиши, жамиятнинг турли қатламлари манфаатини намоён қилиши ва қарор қабул қилишда инклюзивликни таъминлаши жуда муҳим.

Жорий йил парламент сайловлари бўлиб ўтиши белгиланган ва ушбу муҳим сиёсий тадбир ҳам мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг кейинги тақдирини белгилаб берувчи долзарб даврлардан бири бўлади.

### ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК РИВОЖИДА ХАЛҚ ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЎРНИ

**— “Юксалиш” ҳаракати ташаббуси билан Марказий Осиё ННТларининг биринчи академияси ташкил этилган эди. Бу ҳамкорликни кенгайтиришга қандай ҳисса қўшмоқда?**

— Академия минтақа мамлакатларининг 20 дан зиёд нодавлат нотижорат ташкилотларини бирлаштиради ва унинг доирасидаги интенсив мулоқотлар фуқаролик жамиятини ривожлантириш учун мамлакатлараро ҳамкорлик майдони бўлиб хизмат қилади.

Таъкидлаш керак, кейинги йилларда Марказий Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишончни мустаҳкамлашнинг ижобий тенденцияси кузатилмоқда. Умуман, вазият 2016 йилгача бўлган давр билан солиштирганда анча яхшиланган. Бу барчамизнинг катта ютуғимиз.

Экспертлар ҳамжамияти ҳам минтақа давлатлари раҳбарлари ўртасидаги муносабатлар жадаллашиб бораётганини, товар айирбошлаш ҳажми, амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар сони ортганини эътироф этмоқда.

Бугунги кунда Марказий Осиё мамлакатларида ўн минглаб жамоат (нодавлат) ташкилотлари фаолият олиб боради. Улар ўз тармоқларида юз минглаб фаоллар, волонтёрлар, жамоатчилик фикри етакчиларини бирлаштиради. Фуқаролик жамияти даражасидаги ўзаро ҳамкорлик минтақа мамлакатларининг ННТлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш учун асос яратади. Тизимли ўзаро ёрдамни таъминлайди ва учинчи секторда умумий сиёсатни мувофиқлаштириш учун шароит яратади.

Илк мулоқотларда минтақадаги ҳар бир давлат кесимида муваффақиятли фаолият олиб бораётган тармоқлар, коалициялар, альянсларни, уларнинг ўхшаш ва фарқли томонларини кўриб чиқиш, таҳлил қилиш имкони бўлди. Бир неча долзарб масалалар ҳали ўз ечимини кутаётгани ойдинлашди. Умумий вазифамиз минтақа мамлакатлари ўртасида ишончни мустаҳкамлаш, юзага келаётган тенденциялар, муҳим ижтимоий муаммоларни биргаликда ҳал этиш, саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириш борасидаги ҳамкорликни ортга қайтмайдиган қилишдир.

**— Яқинда “Юксалиш” ҳаракати халқаро ташкилот мақомини олди. Бу мамлакатимиз, минтақамиз ва дунёда тинчлик ва фаровонликни таъминлаш, халқимиз кўзлаётган буюк давлат барпо этиш ғоясини рўёбга чиқаришда қандай ўрин тутади?**

— Ҳаракатимизнинг асосий вазифалари қаторида ватандошларимизни ихтиёрийлик асосида бирлаштириш, илғор ғояларни илгари суриш ва энг асосийси, ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш кабиларни эътироф этган ҳолда, “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида белгиланган мақсадларга эришишда ҳам ҳукуматга кўмаклашишни мақсад қилганмиз. Ўтган қисқа даврда бир нечта халқаро лойиҳаларга қўл урдик ва ўйлайманки, бу борада ўзига яраша самарали фаолиятни ташкил эта олдик.

Мисол учун, биргина 2023 йилда “Юксалиш” ҳаракати томонидан 20 дан ортиқ халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар амалга оширилди, 16 та тадқиқот ва 60 дан ортиқ тренинг ва жамоатчилик муҳокамалари ўтказилди.

Энг асосийси, биз хорижий ҳамкорларимиз билан фаолиятимизни юртимиздаги ислоҳотларни амалга оширишга кўмаклашиш нуқтаи назаридан ташкил этяпмиз. Жумладан, “Юксалиш” ҳаракати ташаббуси билан 5 та шаҳар ҳокимларидан иборат делегациянинг Туркияга ташрифи ташкил этилди. Ташриф давомида Ўзбекистон ва Туркиянинг икки шаҳри “қардош шаҳарлар” мақомини олди. Булар — Қўқон ва Баликесир, Термиз ва Шахинбей шаҳарлари.

Маҳаллий давлат ҳокимияти идоралари вакиллари учун хорижий стажировкаларни ташкил этиш, хорижий экспертларни мамлакатимизга жалб этиш ва улар тажрибасини маҳаллий шароитда қўллаш каби масалалар устида ҳам фаол ишлаяпмиз. Бунинг учун эса ташкилотимизнинг халқаро мақомда бўлиши муҳим саналади.

Шу билан бирга, “Юксалиш” ҳаракати бундан буён Марказий Осиё минтақаси билан боғлиқ лойиҳаларга жиддий эътибор қаратишни мақсад қилган. Бу йўналишда кўпроқ минтақа мамлакатларининг фуқаролик жамияти институтлари ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш, халқ дипломатиясини кучайтириш, қолаверса, ёшларни фаол ҳамкорликка жалб қилиш каби вазифаларни бажариш биз учун долзарб аҳамият касб этади.

Умуман олганда, “Юксалиш” ҳаракати минтақа манфаатларини халқаро ташкилотлар доирасида фаол илгари суришга интилади. Биз Марказий Осиёда тинчлик ва барқарор ривожланиш йўлидаги янги лойиҳаларни амалга оширишни мўлжаллаганмиз.

**“Янги Ўзбекистон” мухбири**
**Баҳор ХИДИРОВА**
**суҳбатлашди.**

**Янги фармон орқали шу каби масалаларга ечим топиб бериляпти. Фармонга кўра, 2024 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалиги экинларига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очиқ электрон танлов ўрнига электрон онлайн-аукцион савдоларини жорий этиш белгиланмоқда.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН
2024 йил 25 январь, 18-сон
www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz

## Янгича ёндашувлар



# 900 МИНГ ГЕКТАРДАН ЗИЁД ЕРНИНГ ЭГАСИ *ким бўлади?*



**Эндиликда қишлоқ хўжалиги экинлари учун мўлжалланган ерлар онлайн аукцион орқали ижарага берилади. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги ерларидан гаров таъминоти сифатида фойдаланишга рухсат этилади. Бундай янгиликлар Президентимизнинг 2024 йил 18 январдаги “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини ижарага бериш тартибини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида кўрсатиб ўтилди.**

**Абдухалил ҚОДИРОВ,**
*Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Ер тузиш ва ер муносабатларини тартибга солиш бўлими бошлиғи*

Бошқа вазифаларни изоҳлашдан олдин амалдаги тартибнинг бир жиҳати орқали фармоннинг аҳамияти ҳақида икки оғиз айтиб ўтсак. Дейлик, кимдир ер олиб деҳқончилик қилиш, иссиқхона хўжалиги ёки боғ ташкил этиш мақсадида ижарага ер олмоқчи. Бунинг учун у, аввало, “E-auksion” платформасида очиқ электрон танловда қатнашиши керак бўлади. Танловда иштирок этишнинг эса ўзига хос талаблари бор. Масалан, ҳар бир талабгор аризага ўзига тегишли маълумотларни, хусусан, мол-мулки, техника ёки чорва моллари бош сонини кўрсатиши шарт ва улар тегишли ташкилотлар томонидан тасдиқланиши керак. Бундан ташқари, уларнинг кредит тарихи кўрсаткичлари ҳам талаб этилади. Мана шу жараённинг ўзи қанча вақт ва ортиқча оворагарчиликларни келтириб чиқаради. Бу сиз, ўқувчиларга тушунарли бўлиш учун келтирилган оддий бир мисол, холос. Ваҳоланки, ерни ижарага бериш жараёнида бундай ҳолатлар кам эмас. Бу Президентимиз раислигида ўтган йил 21 ноябрь куни ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, ер ҳисобини юритиш ҳамда кадастр хизматларининг сифатини яхшилаш масалалари юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида алоҳида таъкидланди.

Йиғилишда, жумладан, қишлоқ хўжалигида 286 минг гектар ернинг ҳуқуқ белгиловчи ҳужжатлари тўлиқ эмаслиги, доимий фойдаланиш учун ажратилган 460 минг гектар ернинг ҳуқуқий мақоми аниқмаслиги, 159 минг гектар ернинг ҳужжатдаги ва амалдаги майдони бир-биридан фарқ қилиши қайд этилди. Оқибатда жами 900 минг гектардан зиёд қишлоқ хўжалиги ерлари кадастр рўйхатидан ўтмасдан тургани, кадастри йўқлиги сабабли уларни такрорий экинлар учун расман иккиламчи ижарага бериш имкони бўлмаётгани, булар туфайли эса камида 300 минг иш ўрни, такрорий экиндан олинаётган маҳсулот ҳамда норасмий ижаранинг ҳисоби юритилмаётгани танқидий баҳоланди.

Янги фармон орқали шу каби масалаларга ечим топиб бериляпти. Фармонга кўра, 2024 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ хўжалиги экинларига мўлжалланган ер участкаларини ижарага беришда очиқ электрон танлов ўрнига электрон онлайн-аукцион савдоларини жорий этиш белгиланмоқда. Бунда ижара муддати 30 йил, бошланғич нарх ер участкасининг норматив қиймати миқдорида белгиланади. Аукцион ғолибларига ер нархини 2 йилга, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”да рўйхатда турган фуқаролар ва меҳнат мигрантларига эса 5 йилга фоизсиз бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилади. Аукциондан тушган маблағлар эса, харажатлар чиқариб ташлангандан кейин тегишли туман маҳаллий бюджетига ўтказилади.

Дастлабки босқичда, яъни 2024 йил 15 февралга қадар 15 минг 626 гектар ер аукционга чиқарилади. Аҳоли пунктларига яқин, сув таъминоти яхши, унумдорлиги юқори бўлган 5 гектардан кўп контурлар 1 гектаргача лотларга бўлинган ҳолда савдога қўйилади.

Яна бир эътиборга молик жиҳати, қишлоқ хўжалиги ерларига ижара ҳуқуқини бошқа шахсга ўтказишга (қайта ижарага беришга) рухсат берилади. Бу жараён ҳам ўзига хос. Яъни шартнома бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар шартноманинг қолган муддатига, ердан фойдаланиш мақсадини сақлаб қолган ҳолда ўтказилади. Ижарага олувчи ерга ижара ҳуқуқини ўтказишдан олдин ундан камида 3 йил давомида, 2021 йилгача ҳоким қарори билан олган бўлса, камида 5 йил давомида ўзи фойдаланган бўлиши керак.

Албатта, ернинг аукционда сотилиши унинг бозор активига айланганини билдиради. Шундан келиб чиқиб айтганда, уни бошқа шахсга сотиш имконияти ҳам бўлиши керак. Лекин бунда спекуляция (ўз манфаати йўлида фойдаланиш) ҳолатларининг олдини олиш ҳам долзарб. Чунки ер эгаси тез-тез алмашиши тупроқ унумдорлиги пасайишига олиб келиши мумкин. Шу боис, ижарага олувчи аукцион ёки танлов натижасига кўра бўлиб-бўлиб тўлаш мажбуриятларини тўлиқ бажарган бўлиши шарт. Ижара ҳуқуқи гаровга қўйилган тақдирда ундирувни ушбу ҳуқуққа қаратиш ва ижара ҳуқуқини аукцион орқали сотишга рухсат берилади.

Бундан ташқари, Халқ депутатлари туман кенгашларига қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган, лекин кадастрда давлат рўйхатидан ўтказилмаган ер участкалари бўйича 2024 йил 31 декабрга қадар туман ҳокими ва фойдаланувчи ўртасида ер ижараси шартномаси тузиш (ижара шартномасига ўзгартиришлар киритиш), ер участкасини захирага қайтариш чораларини кўриш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатини бериш таклиф этилмоқда.

Юқорида қайд этилганидек, айни пайтда 905 минг гектар муаммоли ерлар давлат рўйхатидан ўтказилмай турибди. Уларнинг ҳолати жойига чиққан ҳолда ўрганиш асосида Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши қарорлари билан амалга оширилади. Бундан ташқари, суғориладиган ерлар бошқа тоифага ўтказилганда, нобудгарчилик тўловларини барча ҳолларда барча шахслардан тўлиқ ундириш (жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйишдан ташқари) белгиланди.

Шу билан бирга, ер участкаларини агросаноат кластерларига тўғридан-тўғри ижарага бериш амалиёти бекор қилиняпти. Чунки ер ажратишнинг аукцион тартибига ўтилгач, ушбу норма тадбиркорлар учун нотенг шароит яратади. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларини агросаноат кластерларига вилоят ҳокимликлари ва Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг таклифи асосида бериш тартиби шаффоф ва рақобатли тизимга зид.

Янги ташкил этиладиган кластерлар ўз ери бўлган фермерлар билан битимлар тузиши, ўзлари умумий тартибда ер олиши (аукцион орқали ёки йирик инвестиция лойиҳасини амалга ошириш учун энг яхши таклифни танлаб олиш тартибида) мумкин.

Қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланган ерларни аукцион орқали ижарага бериш тартиби аксарият давлатларда мавжуд. Масалан, Эстониянинг “Давлат мулки тўғрисида”ги қонунига асосан, давлат мулки объектлари аукцион савдолари орқали реализация қилинади. Вьетнамда “Ер тўғрисида”ги қонуннинг 118-моддасига кўра, ер участкаси ижарага аукцион савдолари орқали сотилади.

Умуман, турли мезонларга таянган ҳолда ер участкаларини ижарага бериш тартиби унинг ҳақиқий бозор баҳосини аниқлаш ва ерга бўлган ҳуқуқни гаровга олган шахсларнинг гаров объектини реализация қилиш имкониятини чеклайди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш, ерга бўлган ҳуқуқни кафолатлаш, ер ҳисоботи тўғри юритилишини таъминлайди.

## Бир маҳалла — бир маҳсулот

# ҲАР ҲУДУДНИНГ ЎЗ ҚУДРАТИ БОР



**Тошкентда манаман деган норин-у, қази егиси келган кишилар одатда тўғри “Қазичилар” номи билан машҳур маҳаллага боради. Чунки маҳалла аҳли азалдан бу ҳунар билан шуғулланиб келади. Шу боис, улар бу ишнинг ҳадисини олган. Кўзни юмиб ҳам хамиру гўштни ипакдай қилиб тўғрай олади. Тўғри, нархи бир оз қимматдир, лекин ҳар нарсанинг асли, биринчи қўлдан олингани бошқача бўлади-да. Тасаввур қилинг, агар ҳар бир маҳалла шу каби қайсидир фаолият билан ёппасига шуғулланса қандай бўлади...**

Мамлакатимизда ҳудудларни комплекс ривожлантириш мақсадида йўлга қўйилган “Маҳаллабай” тизими, “Бир маҳалла — бир маҳсулот” тамойили мана шундай маҳаллаларни, уларда аҳоли кўпроқ шуғулланадиган фаолият турларини янада ривожлантиришга хизмат қилаётгани билан ўзини оқлаяпти.

Андижон вилоятида ҳам тадбиркорликни ривожлантириш юзасидан “Ихтисослашган маҳалла” дастури асосида аҳоли бандлигини таъминлаш, оилалар даромадини ошириш, хотин-қизларни касб-ҳунарга ўргатишдек муҳим вазифалар ижроси авжида. Ҳоким ёрдамчилари ва хотин-қизлар фаоллари ихтисослашган маҳаллаларда бўлиб, тажриба орттиряпти.



### Хонадондан хорижга экспорт бўлаётган саватлар

Қанча уй-рўзғор буюми бўлса сиғиб кетаверадиган, новдадан тўқилган саватларнинг ҳам ўзига яраша вазифаси бор. Кимдир уларни нон солиб тандир бошига олиб бориш учун ишлатса, яна кимдир қурт ёйиб қўяди. Аёлларнинг “борди-келди”си ҳам шу саватлар билан кўркам. Бозорларда кўзингизни қувнатадиган совғабоп мевалар тўплами ҳам бежирим саватчаларда янада чиройли, харидоргир кўринади. Шундай экан, саватчилик ривожланса ривожланадики, тўхтаб қолмайди.

Тўғри, сават тўқиш билан бойиб кетмаслик мумкин. Бироқ шундан топган даромади рўзғоридан ортиб, уч-тўрт сўм йиғиб қўяётганлар кам эмас. Масалан, Андижон туманининг Бобоғози маҳалласида яшаётган Нигора Йўлдошева сингари аёллар уй ишларидан ортган вақтда сават тўқиб, ойига 3-4 миллион сўм қўшимча даромад топади.

20 та хонадон сават тўқиш билан тирикчилик қиладиган маҳалланинг ёшу қариси бу ҳунарнинг ҳадисини олган. Маҳаллада тўқилган саватлар чет элга экспорт қилинаётгани эса кишини хурсанд қилади. Бироқ осон ишнинг ўзи йўқ. Сават тўқувчиларни аввалдан хомашё масаласи қийнаб келган. Саватбоп новдаларни далама-дала, хонадонлардан йиғиб юриш анчагина вақтни олади. Шундоқ ҳам новдани қайнатиш, пўстини шилиш, саралаш, гулқайчида ёриб, ускунада текислаб олиш каби ишлар қўл ушлайди. Шунинг учун бобоғозилик ҳунармандлар сават тўқишда қўл келадиган корейс толини маҳаллийлаштирди. Бу тол новдаси қайнатилганидан сўнг чўзилувчанлиги янада ортади ва саватнинг пишиқлигини таъминлайди. Соҳада ёшларга берилган имкониятлардан бири — 10 сотихли ерларга корейс толлари экилиши даромаднинг икки ҳисса кўпайишига хизмат қиляпти. Энг муҳими, маҳаллада ишсизлар сони деярли йўқ.

Вилоятнинг саватчилик билан тилга тушган Избоскан туманидаги Гудур, Балиқчи туманидаги Сиза, Олтинкўлдаги Кўмакай маҳаллалари ҳам қиш бўлишига қарамай, иш ўрганувчилар билан гавжум.

### Рўмол — ҳамиша керакли мол



Марҳамат туманининг рўмол тўқишга ихтисослашган Қорақўрғон маҳалласига тажриба ўрганиш учун келаётган хотин-қизларнинг аксарияти бу ҳунарни ўрганишни ният қилаётганини эшитиб, янада қувондик. Биргина Андижон туманидаги 79 та маҳалла фуқаролар йиғинида яқин келажакда эчки юнгидан рўмол ва бошқа буюмлар тўқишнинг оммалаштирилиши юзлаб хотин-қизларнинг доимий даромад манбаига эга бўлишини таъминлайди.

Тумандаги Бозорбоши маҳалласида рўмол тўқиш билан шуғулланаётган Машҳура опа Зокирова онасидан ўрганган бу ҳунарни қирқ йилдан буён қўлдан қўймайди. Энг муҳими, у маҳалладаги ишсиз аёлларни ҳам рўмол тўқишга жалб қилган. 10 нафар қиз ишхонада муқим ишласа, қолган аёллар уйида ҳам рўзғор юмушини уддалаб, ҳам рўмол тўқишдан даромад қилади. Бир кунда 160х160 ҳажмдаги битта рўмолни тўқиш мумкин. Қишлоқ шароитида уйдан чиқмай топилган 1,5-2 миллион сўм ҳам рўзғорнинг камига яраб туради. Ютуқ шундаки, уйда ишлаётган аёлларнинг қизлари ҳам шу ҳунарни ўрганиб улғайяпти. 5-синфдан 11-синфгача бўлган мактаб ўқувчилари таътил пайтлари рўмол тўқиб, ўзларининг кам-кўстини қилаётганидан ота-оналар ҳам хурсанд.

— Ҳар шанба куни Намангандан юнг олиб келамиз, — дейди Машҳура Зокирова. — Битта рўмолга 400 грамм юнг, 250 грамм пахта ипи қўшилади. Юнгни тозалаб ювиб қуритамиз, лекин бўямаймиз, табиий рангини сақлаймиз. Буюртмаларга қараб қора, сариқ, кулранг юнгларни топишга ҳаракат қиламиз.

Совуқ кунларда елкага ташлаш, белни иссиқ тутишда юнгли рўмол айни муддао. Экспорт ҳам йўқ эмас. Россия, Қозоғистон, Қирғизистонда доимий мижозлар бор.

Машҳура опа газ, кўмир масаласи сабаб ҳозирча туманлардан иш ўргангани келувчиларга ётоқхона шароити йўқлигини яширмади, қизиқиш катта бўлган ҳудудлар масъуллари аёлларнинг қатнаб ўрганишга ҳам рози эканини айтди. Ҳунармандга тумандаги саноат зонаси ҳудудидан 5 сотих ер берилган. Айни пайтда икки қаватли цех қуриляпти. Мақсад — ишчи ўрнини кўпайтириш.

### Уч ойда уч баробар фойда



Избоскан туманининг 4 мингдан зиёд аҳолиси бўлган Ботиробод маҳалласига борсангиз, гулзорларни кўриб, баҳри дилингиз очилади. Маҳаллада мавжуд 640 хонадондан 300 га яқини гулчилик билан шуғулланяпти. Хонадонлардаги иссиқхоналарда 35-40 турдаги гуллар етиштирилади. Ўртача уч ойда сотишга тайёр бўлган гулнинг қиймати ҳам уч баробарга ўсади. Етиштирилган гулларга ҳатто Қирғизистон ва Қозоғистондан ҳам буюртмалар бўлади.

2017 йилгача Россия, Қозоғистон, Қирғизистонда ишлаб оила боқиб юрган Бурхон ака мана етти йилдирки, гулчиликдан яхшигина даромад топади. Маҳалла яхши-да, меҳр-оқибат шу ердан бошланади. Бўлмаса, қўшнилари “чет элда нима қиласиз, ўзимизда гулчилик билан шуғулланинг”, деб шу ишнинг сир-асрорини ўргатармиди...

— Аввалига гулчиликнинг устаси бўлиб кетган бир одам “сиз уч хил гул билан шуғулланинг” деса, нега ҳаммада 10-15 хил, мен уч хил гул экаман, деб хафа бўлибман, — дея гап бошлади Бурхон ака. — Аслида, энди иш бошлаган одам учун бу тўғри маслаҳат экан. Негаки, сув ичиши, ҳавога мослашиши жиҳатидан бир-бирига яқин гулларни экмасангиз, қийналиб қоларкансиз. Масалан, қайсидир гул бир ҳафтада бир марта суғорилса, бошқасини икки кунда бир, баъзиларини ҳар куни суғориш керак бўлади. Бирини яшнатаман деб бошқасига зарар бериб қўйиш ҳеч гап эмас. Шунинг учун ҳозир табиатан бир-бирига яқин, совуққа чидамли 20 хилдан зиёд гулларни парваришлаяпмиз. Шу иш сабаб Наманган, Фарғонадан қанча танишлар орттирдик. Гул байрамларига қатнашамиз, ҳавас қилиб бир-биримиздан ўрганамиз.

Ҳафтада икки кун бўладиган улгуржи гул бозоридан мўмай фойда билан келадиган Бурхон ака эндиликда гул майдонини кенгайтириш ҳаракатида. Чунки ўз уйидаги 3 сотих, қўшнисидан ижарага олган 2 сотих ерда 10 сотихда ўсиши керак бўлган гул зич ҳолатда ўсяпти. Агар улар кенг ерга яйратиб юборилса, бемалол, янада дуркун ўсади. Бу борада Бурхон аканинг ҳоким ёрдамчиси, ҳокимлик мутасаддиларидан умиди катта. У яқинда шу масалада йиғилиш бўлиб ўтганини айтди. Насиб қилса, маҳалладаги гулчилар катта бир майдонда гул плантациясини барпо қилиш ниятида. Биз ҳам гулдан ташқари эрта баҳорда бозорга биринчи бўлиб помидор-у бодрингни етказиб берадиган бу меҳнаткаш маҳалла аҳлига чиндан ҳавас қилдик.

### Ихтисослаштириш маҳалла салоҳиятига асосланиши керак



Андижон шаҳридаги Найзақайрағоч маҳалласидаги 800 га яқин хонадоннинг 70 фоиздан кўпроғида иссиқхона фаолияти йўлга қўйилган. Маҳаллада истиқомат қиладиган Бахтиёржон Ҳусанов мисолида айтадиган бўлсак, хонадонидаги 5 сотихли иссиқхонада сабзавот кўчатларини етиштириб, баҳор фаслида маҳаллий бозорларда ойига 8-12 миллион, бошқа мавсумларда эса ойига ўртача 5-7 миллион сўмгача сотяпти. Тадбиркор шундай фаолиятни йўлга қўйиш истагида бўлган фуқароларга бажонидил тажриба ўргатишга тайёр.

Бўстон туманидаги Халқобод маҳалласида яшовчи Ёқубжон Парпиев эса ҳудуддаги 378 хонадон аъзолари каби супурги тайёрлаш билан шуғулланади.

— Битта супурги тайёрлаш учун менга уч дақиқа етади, янги бошлаган одам ўн дақиқада тайёрлайди, — дейди ҳунарманд — 2 килограмм хомашё 30 минг сўм туради, ундан 3 та супурги тайёрланади. Биттаси энг камида 20 мингдан сотилса, жами 60 минг сўм бўлади. 30 минги харажатга кетса, 30 минг ёнга қолади, фойда тенгга тенг.

Булоқбоши туманидаги учта маҳалла аҳли узумчилик билан шуғулланиб келади. Буюк Турон маҳалласининг ўзида 900 дан зиёд хонадоннинг 800 га яқини узум етиштиради. МФЙ раиси маслаҳатчиси Анвармирзо Солиевнинг айтишича, кейинги йилларда “Ҳусайни”, “Келинбармоқ”дан ташқари, “Кетмон сопи”, “Найча” каби янги навлар етиштирилиб, четга экспорт қилиняпти.

Ҳа, вилоятда ихтисослашган маҳаллалар сони йилдан-йилга кўпайиб бораётгани қуруқ гап эмас. Айни пайтда элликка яқин маҳалла аҳлининг доимий фаолияти бор. Азалдан мавжуд бўлган пичоқчилик, дўппидўзлик, тўнчилик, чорвачилик баробарида, эндиликда саватчилик, мебелчилик, кўчатчилик, қўзиқоринчилик, куркачилик, гулчилик сингари янги фаолиятлар йўлга қўйиляпти. Хусусан, Хонобод шаҳрида уй-меҳмонхонаси бизнесига, Пахтаобод туманида лимончиликка, Жалақудуқда асаларичиликка ихтисослашаётган маҳаллалар пайдо бўляпти.

Маҳалланинг ихтисослашувида бу ерда яшаётган одамлар йиллар давомида қандай фаолият тури билан шуғулланиб келгани, қайси ҳунарнинг сир-асрорини кўпроқ билишидан келиб чиқиш “ўсиш нуқталари”ни белгилаш ва уни самарали амалга оширишга хизмат қилади. Зеро, маҳаллаларни қайсидир фаолият йўналиши билан шуғулланишга хўжакўрсинга даъват қилиш эмас, аҳолининг севимли фаолиятига ёндош фаолият турларини ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш керак. Озгина эътибор бўлса, гулчи Бурхон ака айтганидек, одамларнинг ўзлари бир-бирини қўллаб юборади. Ахир бутун маҳалла ўз-ўзидан ҳунарманд ёки тадбиркор бўлиб қолмайди-ку? Қўшнисининг даромадини кўрган бу қўшни ҳам ҳаракатга тушиб қолади. Шу мақсадда ташкил этилаётган тажриба алмашиш, иш ўрганиш тадбирларига барча ҳудудларимизда жадал киришилса, аҳоли ўртасида ишсизликни камайтиришга катта ҳисса қўшилишига шубҳа йўқ.

Давлатимиз раҳбари 2022 йилнинг апрель ойида айни масалага бағишлаб ўтказган видеоселектор йиғилишида “маҳаллабай” ишлашнинг натижаси сезилмаётган маҳаллалар кўплиги, 450 та маҳаллада ишсизлик даражаси 20 фоиздан юқори эканини айтиб, эндиликда ҳар бир маҳалла ихтисослашуви бўйича қўллаб-қувватланишини таъкидлаганди. Шунингдек, йиғилишда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, асаларичиликка ихтисослашган 2500 та маҳалла қўшимча қўллаб-қувватланиб, омилкор одамларга инкубатор, хонаки товуқ, асалари уялари етказиб берилса, аҳоли даромади янада ошишини мисол қилиб келтирганди.

Демак, шундан келиб чиққан ҳолда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар маҳаллаларда ишсизлик даражасининг камайишига қоғозда эмас, амалда хизмат қилиши керак. Бунинг учун юқорида айтганимиздек, юракдан ишлашимиз, маҳаллаларимиз ихтисослашувининг иқтисодиётимиз учун нечоғлиқ манфаатли бўлишини тасаввур қила олишимиз кифоя.

Ўйлаймизки, яқинда маҳалла институтида янги бошқарув тизими — Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси иш бошлагани эса бу борадаги вазифалар янада самарадор бўлишига ёрдам беради.

**Муножат МЎМИНОВА,**
*“Янги Ўзбекистон” мухбири*



Халқаро ҳамкорлик



# ИЛМ-ФАН ВА ТАЪЛИМ СОҲАСИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

**Аждодларимизнинг Хитой билан алоқалари азалдан икки юрт равнақи учун аҳамиятли бўлган. Яқин қўшни бўлмасада, уларни бирлаштириб турган ришта — Буюк ипак йўли илм-фан, маданият, иқтисодиёт муштарак бўлишига замин яратган. Хитой Ватанимиз мустақиллигини биринчилардан бўлиб тан олган давлат бўлиб, айни пайтда яқин стратегик ҳамкоримиз ҳамдир. Ўзбекистон ўтган 32 йил давомида ХХР билан кенг кўламли қўшма лойиҳаларни амалга ошириб келмоқда. Бу давр ичида олий таълим ҳамда илмий ҳамкорлик соҳасида ҳам кўзга кўринарли ютуқларга эришилди.**



**Гулчеҳра РИХСИЕВА,**
*Тошкент давлат шарқшунослик университети ректори, профессор*

Бу жабҳадаги муносабатлар Ўзбекистон Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан Хитой Таълим вазирлиги ўртасидаги ҳамкорлик битимига асосланади. Шунингдек, Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида Конфуций институтларини ташкил этиш тўғрисидаги шартномалар таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг асосий ҳужжатлари бўлди.

Бу икки давлатнинг олий таълим ҳамда илм-фан соҳасидаги ҳамкорлигида Тошкент давлат шарқшунослик университетининг ҳам ўрни аҳамиятли. Юртимизда шарқшунослик таълимининг илк даврлариданоқ хитой тили асосий шарқ тили сифатида мазкур йўналиш талабаларига ўқитилиб келинган. Бугунги кунда университетда хитой тилига эга юқори малакали кадрлар, хусусан, хитой филологияси, таржимашунослик, журналистика, гид ҳамроҳлиги, туризм, тарих, халқаро муносабатлар, Хитой иқтисодиёти ва сиёсати соҳаларида мутахассислар тайёрланади.

2014 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтида хитойшунослик факультети ташкил этилди. Ҳозир университетда қарийб 800 га яқин талаба мазкур йўналиш бўйича таълим олиб келади. Шунингдек, университетда Ўзбек — Хитой тадқиқотлари илмий маркази, Гансу — ЮНЕСКО, Ланжоу университети маданият алмашинув, Шанхай университети ижодкорлик марказлари фаолият юритяпти. Мазкур марказларда хитой тили ва ёзуви, тарихи ва тарихшунослиги, адабиёти, сиёсати, халқаро муносабатлардаги ўрни, иқтисодиётига оид тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўтган 2023 йилда Хитойнинг етакчи университетлари билан ҳамкорлик янги босқичга кўтарилди. Йил давомида олийгоҳга Хитойдан ўндан ортиқ расмий делегация ташриф буюрди.

2023 йилда университетимиз томонидан ХХР олий таълим ҳамда илмий тадқиқот муассасалари билан имзоланган меморандум ва битимлар сони йигирмадан ортди. ТДШУнинг элликка яқин профессор-ўқитувчиси ҳамда талабаси ХХРга ўқиш ҳамда малака оширишга юборилди. Жумладан, ёзги таътил даврида ўндан ортиқ ўқитувчи Ляонин педагогик университетида, жорий йилнинг 2-16 январь кунлари университет профессор-ўқитувчилари ва университет ҳузуридаги академик лицей ўқитувчилари ХХРнинг Хинжиан педагогика университетида махсус икки ҳафталик қайта тайёрлаш курсларида малака оширди.

Хитой тилини биладиган юқори малакали кадрлар ҳамда халқаро стандартларга мос олий таълимга бўлган эҳтиёждан келиб чиқиб, жорий ўқув йилидан Тошкент давлат шарқшунослик университети ва Ляонин педагогика университетининг 2+2 қўшма дастури иш бошлади. Бу дастур бўйича 20 нафар талаба хитой тили мутахассислиги бўйича 1-босқичга қабул қилинди. Мазкур дастурга кўра, талабалар таълимнинг дастлабки икки йилида Тошкент давлат шарқшунослик университетида, сўнгги икки йилида Ляонин педагогика университетида таҳсил олади.

> **“Пекин ва Тяньзин шаҳарларида 2 кун давом этган форумда етакчи олий таълим даргоҳларига ташрифлар уюштирилди, ўзбекистонлик ректорлар замонавий ўқув ва илмий лабораториялар, юқори илмий салоҳиятга, талабларга жавоб берадиган инфратузилмага эга университетлар фаолияти билан танишди.”**

Хитойшунослик соҳасида илмий фаолиятни ривожлантириш мақсадида университетимиз ҳузурида Хитойнинг етакчи олий таълим муассасалари билан ҳамкорликда Ўзбек-Хитой илмий маркази ташкил этилган. Марказ фаолиятининг асосий йўналишлари сифатида монографиялар нашр эттириш, Хитойнинг ички, ташқи сиёсати ва иқтисодий тажрибасини ўрганиш, икки давлат ўртасидаги ҳамкорлик истиқболлари, янги авлод ўқув қўлланмаларини яратиш, шунингдек, мазкур соҳада ёш тадқиқотчиларни тайёрлаш кабиларни эътироф этиш мумкин. Ушбу фаолият доирасида университет хитойшунос тадқиқотчиларининг Ўзбекистон мустақиллиги даврида яратилган қатор илмий ишлари чоп этилди. Жумладан, ўзбек синолог олимларининг 22 жилддан иборат монографиялар туркуми ҳамкорлигимизнинг яққол намунаси ва илм-фан ривожи учун салмоқли туҳфа бўлди.





Ушбу китоблар тақдимотлари университетда ва Хитойда ўтказилди. Хитойнинг етакчи университетлари кутубхоналарига тақдим этилди. Албатта, мазкур университетлар раҳбарлари ва олимлари Тошкентда Хитойни ўрганиш бўйича шундай кенг тармоқли ишлар амалга оширилаётганидан жуда мамнун бўлди.

Куни кеча, яъни 22-23 январь кунлари Пекин шаҳрида тарихда илк маротаба Ўзбекистон ва Хитой олий таълим муассасаларининг форуми ташкил этилди. Ушбу тадбирда 100 дан ортиқ университет раҳбарлари иштирок этди, Ўзбекистон ва Хитой университетлари ҳамкорлиги тўғрисидаги Пекин декларацияси имзоланди. Декларация ҳамкорликнинг барча жиҳатларини қамраб олган ва келгусида амалга ошириладиган таълимий, илмий, инновацион фаолиятдаги янги лойиҳаларнинг самарали бажарилишида, университетларни том маънода ривожлантиришда янги қадам бўладиган муҳим институционал ҳужжат бўлди, дейишимиз мумкин. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифалар ижроси доирасида шу форумнинг ўзида янги ҳамкорликлар бошланди.

Форумда ҳар икки мамлакат олий таълим даргоҳлари ректорлари ўз университетлари тақдимотини ўтказди. Турли соҳа ва таълимнинг АКТ, муҳандислик, гуманитар фанлар, иқтисодиёт, тил ўқитиш, таълим билан ишлаб чиқаришни уйғунлаштириш каби қатор йўналишларини қамраб олган ушбу тақдимотлар ёрдамида университетлар яқиндан танишилди. Янги алоқаларни йўлга қўйиш мақсадида университетлараро 80 дан ортиқ англашув меморандуми ва шартномалар имзоланди ва тўғридан-тўғри мулоқот орқали қатор келишувларга эришилди.

Шунингдек, форум ўзаро дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда, олий таълим трансформацияси жараёнларида муҳим қадам бўлди, дея оламиз. Чунки нафақат гуманитар йўналишлар, балки ахборот технологиялари, техника, иқтисодиёт, қишлоқ хўжалиги, геология каби кўплаб фан тармоқлари бўйича кадрлар тайёрловчи университетларнинг устувор йўналишлари орасида олий таълимни рақамлаштириш, сунъий интеллект ёрдамида фаолиятни такомиллаштириш, жаҳон илм-фани ва инсон капиталини ривожлантиришга ҳисса қўшадиган кўп тармоқли лойиҳаларни амалга ошириш йўлида янги ҳамкорликларга старт берилди.

Пекин ва Тяньзин шаҳарларида 2 кун давом этган форумда етакчи олий таълим даргоҳларига ташрифлар уюштирилди, ўзбекистонлик ректорлар замонавий ўқув ва илмий лабораториялар, юқори илмий салоҳиятга, талабларга жавоб берадиган инфратузилмага эга университетлар фаолияти билан танишди.

Ўзаро ҳамкорлик алоқаларимизда муҳим ўрин эгалловчи Халқаро ҳамкорлик ва тил таълими маркази фаолияти билан танишиш мақсадида мазкур ташкилотга ҳам ташриф уюштирилди. У бутун дунё бўйича хитой тили ва маданиятини ўқитиш ишларини мувофиқлаштирувчи, талабаларнинг Хитойда таълим олиши ва тадқиқотлари учун грантлар ажратувчи катта марказдир. Ўзбекистон ёшлари ҳам мана шу марказ томонидан ажратиладиган грантлар ва стипендиялар ғолиби бўлиб, Хитойда таълим олмоқда. Ушбу марказ дунё бўйлаб 500 дан ортиқ Конфуций институти фаолиятини ҳам мувофиқлаштиради. Ректорлар форуми доирасида бу марказда ташкил этилган йиғинда марказ раҳбарияти томонидан Тошкент давлат шарқшунослик университети билан ҳамкорлик алоқалари юқори баҳоланди. Тошкентдаги Конфуций институтининг мамлакатимиз ҳукумати ва ТДШУ томонидан қўллаб-қувватлаб келинаётгани учун миннатдорлик билдирди.

Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузурида фаолият юритаётган Конфуций институти бугунги кунда мамлакатимиз раҳбари ва ҳукуматимизнинг қўллаб-қувватлаши натижасида замонавий инфратузилмага эга энг янги ва чиройли таълим масканига айланди. Институтга кираверишда Алишер Навоийнинг **“Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ, Ёр ўлунг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш”,** Конфуцийнинг **“Ўқисанг, ўргансанг, шу эмасми бахт, Дўстинг келса йироқдан бу ҳам асли бахт”** деган ҳикматли сўзлари ёзиб қўйилган. Ёшларимиз хитой тилини юқори даражада ўрганиши учун ушбу институтда янги шароитлар яратилди. Хитой тилини бошланғичдан энг юқори даражагача ўрганишга барча шароитлар ва ресурслар мавжуд Конфуций институтида хитойлик 10 га яқин ўқитувчи дарс бериб келмоқда.

Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳам Пекин форумида қатор келишувларга эришди. Жумладан, Пекин тил ва маданият университети ўртасида талабалар алмашинувини амалга ошириш тўғрисида битим имзоланди. Натижада ТДШУ хитойшунослик факультети талабалари 1-2 семестрда Пекинга, Пекин тил ва маданият университети талабалари ТДШУга ўқишга боради. Синхрон таржимонлар тайёрлаш бўйича курсларга ТДШУ ўқитувчи ва тадқиқотчилари юборилади.

Гансу сиёсатшунослик ва ҳуқуқ университети ўртасидаги ҳамкорлик доирасида англашув меморандуми имзоланди. Бунда профессор-ўқитувчилар ва талабалар алмашинуви, педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича ҳамкорлик, талабалар учун ёзги ва қишки мактаблар, онлайн ва офлайн дарслар ташкил этиш, биргаликда соҳага оид ўқув ва илмий адабиётлар яратиш, Марказий Осиё ва ХХР ўртасидаги сиёсий ва иқтисодий масалалар бўйича илмий тадқиқотлар лойиҳаларини қилиш, магистратура, бакалавр босқичида 1+1 ва 2+2 қўшма дастурини амалга ошириш масалалари кўзда тутилган.

Шэньси педагогика университети билан академик ва илмий ҳамкорлик ўрнатиш бўйича англашув меморандуми доирасида эса академик алмашувлар билан бирга ТДШУ ҳузуридаги Шарқ мамлакатларининг ривожланишини тадқиқ этиш илмий-таҳлил маркази ва Шэнси педагогика университетининг “Бир макон, бир йўл” афғоншунослик маркази ўртасида илмий ҳамкорлик ўрнатилади ва лойиҳалар амалга оширилади.

Форумда ТДШУ ва Ланжоу университети ўртасида Конфуций институти фаолиятини ҳамкорликда ривожлантириш тўғрисида битим имзоланди. Унда Тошкент давлат шарқшунослик университети ҳузуридаги Ўзбек-хитой Конфуций институти фаолиятини янги шарт-шароитлардан келиб чиқиб янада ривожлантириш, институтда замонавий технологияларни жорий этиш, лингафон хоналар очишга маблағ ажратилиши, талабалар ва академик лицей ўқувчилари учун Хитой университетларида таълим грантлари олишга имкониятни кенгайтириш каби масалалар қамраб олинган.

Хулоса қилиб айтганда, Хитойдаги университетлар ва ташкилотлар билан давом этаётган ҳамкорлик хитой тилини мукаммал биладиган, хитойшунослик соҳасида кенг ва чуқур билимга эга кадрлар тайёрлашда ижобий натижа беради.

Олий таълимдаги янги воқелик ва ислоҳотлардан келиб чиқиб, фан ва таълим интеграцияси, илмий тадқиқот ишларини иқтисодиёт субъектлари, ташқи савдо, хусусий бизнеснинг амалий талаблари билан яқинлаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлаш керак. Университетлар учун бу ноанъанавий манбалардан грантлар жалб қилиш, молиялаштириш учун мутлақо янги платформадир.

Анжуман

# ИЛМИЙ ҚУВВАТЛАНИШГА АСОС

**“Мамлакатларимизнинг кўп қиррали ҳамкорлиги халқаро майдондаги дўстлик ва ўзаро ёрдамнинг ёрқин намунасидир. Ўзбекистон Хитойнинг глобал бирлаштирувчи кучга айланган “Бир макон, бир йўл” ташаббусини амалга ошириш доирасида турли дастурларда фаол иштирок этмоқда”.**



**Баҳром АБДУЛЛАЕВ,**
*физика-математика фанлари доктори, профессор*

Президентимиз ушбу фикрларни Хитойга давлат ташрифи арафасида “Жэньминь жибао” газетасида эълон қилинган икки мамлакат муносабатларига бағишланган мақоласида қайд этди. Ўзбекистон ва Хитой ўз тарихидаги энг яхши даврни бошдан кечираётган ҳозирги паллада олий таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳам тобора кенг кўлам касб этиб бормоқда.

Биргина Урганч давлат университети мисолида оладиган бўлсак, Хитой Халқ Республикасининг кўплаб олий таълим муассасалари билан илмий алоқалар йўлга қўйилган. Хусусан, Нанчанг ва Шэньян педагогика университетлари билан ҳамкорлик шартномалари имзоланган. Шартномага асосан, 2020/2021 ўқув йилида Нанчанг университети билан бизнинг олий таълим даргоҳимиз ўртасида туризм йўналишида қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрлаш бўйича музокаралар ва амалий ишлар олиб борилди. Урганч давлат университетида “UZB-Ind-2021-88-рақамли қуёш элементларида фойдаланиладиган нанотузилмали гидрофобик ва супергидрофобик материалларни ўрганиш” мавзусидаги илмий техник грант бўйича лойиҳа амалга оширилди.

Шунингдек, Сичуан университети олимлари ва Талесун компанияси ходимлари билан биргаликда Оролбўйи ҳудудида қуёш элементларининг фойдали иқтисодий самарадорлигини оширишга оид илмий тадқиқот ишлари йўлга қўйилган.

Талесун компанияси томонидан тайёрланган қуёш элементларидан университетда қуёш панеллари йиғилди. Уларга чангнинг таъсирини лаборатория шароитида тадқиқ қилиш учун махсус ускуна яратилди. Ушбу ускунадан ўқув жараёнида фойдаланиш мақсадида Интеллектуал мулк агентлиги томонидан патент гувоҳномаси ҳам олинди. Қуёш панелларига Оролбўйи ҳудуди иқлим омилларининг таъсирини ўрганиш мақсадида панеллар юзасига ўтирган чангларнинг кимёвий таркиби ўрганилди, ўрганиш натижалари бўйича Scopus базасида индексацияланган журналларда мақолалар чоп қилинди.

Ўтган йилнинг иккинчи ярмида Урганч давлат университети Сичуан университети билан математика соҳасида ҳамкорлик қилиш, илмий тадқиқот лойиҳаларини амалга ошириш ва профессор-ўқитувчиларни алмашиш бўйича келишувга эришди.

2023 йил 25 ноябрдан 1 декабргача Пекин, Наннин, Фанянган, Гансу шаҳарлари нуфузли олий таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш, 2023/2024 ўқув йили учун академик мобилликни амалга ошириш бўйича келишувларга эришиш, инвестиция ва туризм форумларида иштирок этиш учун Хоразм вилояти делегацияси таркибида Хитойда бўлдик. Фанянган шаҳрида ўтказилган “Халқаро инновацион тиббиёт соҳасидаги ҳамкорлик” анжумани тадбирларида иштирок этдик. Гуансида бўлиб ўтган “Хитой — Ўзбекистон иқтисодий ва туризм бизнес форуми” доирасида Хоразм вилоятида савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, ишбилармон доира вакиллари билан саноат, қурилиш, туризм ва ижтимоий соҳаларда ҳамкорлик қилиш масалалари муҳокама қилинди.



Ланчжоу шаҳрида жойлашган Гансу қишлоқ хўжалиги университети вице-президенти, профессор Ли Гуанг билан расмий учрашувда университетлар ўртасида таълим ва илмий тадқиқот соҳасида ҳамкорлик қилиш бўйича келишувларга эришилди.

Музокараларда Урганч давлат университети билан ўқитувчи ва талабалар алмашинувини йўлга қўйиш, икки томонлама ҳамкорликда илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш истаги билдирилди. Шу билан бирга, университетлар ўртасида таълим ва илмий тадқиқот йўналишида меморандум имзолашга келишиб олинди. “Хоразм — Пекин инвестициялар ва туризм” форуми доирасида эса, Шандонг Фанлар академияси ва Урганч давлат университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди.

Шу ҳафтада Пекин шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда Хитой Халқ Республикаси Таълим вазирлиги томонидан Ўзбекистон — Хитой таълим форуми ўтказилди. Унда мамлакатимиз томонидан 37 та, Хитой томонидан 110 та етакчи олий таълим муассасаси ректорлари, жами 250 иштирокчи қатнашди.

Форум доирасида аниқ ва ижтимоий фанлар, муҳандислик, қишлоқ хўжалиги, АКТ, тиббиёт ва фармацевтикага бағишланган сессиялар бўлиб ўтди. Тадбир давомида икки давлат олий таълим муассасалари ўртасида 70 та икки томонлама ҳужжат имзоланди, 5 та олий таълим муассасаси ўртасида қўшма таълим дастурларини ташкил этиш бўйича келишувларга эришилди. Мазкур қўшма таълим дастури асосида 300 дан ортиқ талаба Хитойнинг илғор университетларида таҳсил олиш имкониятига эга бўлади. Шу билан бирга, ўзбекистонлик 100 дан ортиқ талаба учун грант дастурлари ташкил этилади.

Форумда Ўзбекистон ва Хитой олий таълим муассасалари ҳамкорлиги тўғрисида Пекин декларацияси қабул қилинди. Ушбу декларация доирасида Хитой ва Ўзбекистон олий таълим муассасалари ўртасида институционал платформа яратиш, Хитой — Марказий Осиё таълим ҳамкорлиги моделини шакллантириш, академик алмашинув дастурларини янада ривожлантириш, қўшма тадқиқотлар ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Мазкур тадбир Урганч давлат университети учун ҳам истиқболли келишувларни тақдим этди. Жумладан, Пекин халқаро математик тадқиқотлар маркази директори, профессор Ганг Тиан билан кечган учрашувда томонлар ўртасида математика соҳасида ҳамкорлик ўрнатиш, биргаликда халқаро математика марказини ташкил этиш, талаба ва профессор-ўқитувчилар алмашинувини йўлга қўйиш бўйича музокаралар олиб борилди. Шунингдек, Пекин университетининг вице-президенти Фанг Фанг ва котиби Хао Пинглар билан университетлар ўртасида таълим ва илм-фан йўналишида ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишга келишиб олинди. Мазкур келишувда асосий эътибор талабаларнинг хитой тилини ўрганиши учун имконият яратиш, талаба ва профессор-ўқитувчилар мобиллик дастурларини амалга ошириш, ўқув жараёнига профессор-ўқитувчилар ва мутахассисларни жалб қилиш, талабалар учун қишги ва ёзги мактаблар ташкил этишга қаратилди.

Анжуман доирасида Гансу қишлоқ хўжалиги, Ланчжоу Жиаотонг ҳамда Ланчжоу санъат ва фан университетлари билан шартнома имзоланди. Шартномалар талабалар алмашинуви ва академик таълим дастурлари, УрДУ талабалари учун онлайн хитой тилини ўргатиш, ўқув жараёнига профессор-ўқитувчиларни жалб қилиш, биргаликда қўшма илмий лойиҳаларни амалга ошириш, университетлар профессор-ўқитувчи ва ёш олимларининг стажировка ўташи ҳамда малака оширишини ташкил этиш сингари кўплаб манфаатли келишувларни назарда тутади.

Ўзбекистон — Хитой таълим форуми Тянцзин шаҳрида давом этди. Учрашувлар якунида Урганч давлат университети ва Тянцзин хорижий тиллар университети ўртасида ҳамкорлик шартномаси имзоланди. Унга кўра, ўзаро профессор-ўқитувчи ва талабалар алмашинуви, илмий тадқиқот ва таълим соҳасида истиқболли алоқалар йўлга қўйилади.

**Юрт ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари, уйғоқ қалбли зиёлилар — шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маданият ҳамда маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққан.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz | yuz.uznews | yuz_official | yuz.uz_news | yuz

## Маънавий тараққиёт

# ҚАЛБЛАРГА ТЎҒРИ ХАБАР БЕРМОҚ...







**Яқин ўтмишда Ёзувчилар уюшмаси бир кунимгоҳ тополмасдан адашган карвон мисоли ҳали у ерда, ҳали бу ерда юргани дилимизни вайрон қилиб, қалбимизни ўкситгани ҳеч ёдимиздан чиқмайди. Адабиётга ва ижод аҳлига чексиз меҳр кўрсатилиб, Адиблар хиёбонида уюшманинг муҳташам биноси қад ростлагани ҳам қалбимиз тўрида.**

Яқин ўтмишда адабиётимизда улкан из қолдирган азиз устозларимизнинг юбилейлари ҳам мактаб, коллеж ва маҳалла миқёсида ўтказилгани гувоҳи бўлдик. Бугун уларнинг йирик жилдли асарлари Ёзувчилар уюшмаси ҳомийлигида чоп этилаётгани, радио ва телевидениеда махсус эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрланаётгани шоиру адибларга илҳом, ифтихор бахш этмоқда. Адабиётимизнинг йирик намояндалари юбилейлари юртимизнинг катта-катта санъат саройларида кенг нишонланмоқда. Улуғ устоз Абдулла Орипов ҳаёти ва ижодига бағишланган бадиий фильм бошқа тилларга ҳам таржима қилинди. Туркияда ўтган кинофестивалнинг олий совринини қўлга киритди.

Ўтган йили улуғ шоир, таржимон, драматург Усмон Носир таваллудининг 110 йиллик шодиёналари кенг нишонланди. Асарлари чоп этилди. Пойтахтда бошланган тантаналар шоир таваллуд топган Наманган шаҳрида давом этди. Усмон Носир ҳаёти ва ижодига бағишланган драматик асар юртимиз театрлари саҳналарида намойиш қилинди. Шоир таваллуд топган Чуқуркўча маҳалласида уй-музейи очилди.

Намангандаги кўчалардан бирига шоир номи берилди. Шаҳарда Усмон Носир боғи барпо этилиб, боғ ўртасига ҳайкали ўрнатилди. Ушбу ҳайкалнинг очилишида сўзга чиққан Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азимнинг оташин нутқи ва шеърларини тинглаб туриб, Усмон Носир абадий барҳаётлигига ва юртимиз олтин бешикларида яна қанча-дан-қанча Усмон Носирлар туғилажагига ишонч ҳосил қилдик.




Маънавиятимиз илдизлари тафаккур дарёсининг минг бир ирмоқларидан сув ичса, улардан бири музейларимиздир. Тарих ҳақиқатларидан сўзловчи ўлмас мерос бўлган музейларимиз қадр-қиммати узоқ йиллар ёддан чиқди. Бу бебаҳо хазиналар тинимсиз сотилди, ўғирланди, таланди, барбод этилди. Хайрият, музейлар фаолиятини такомиллаштириш бўйича ҳам савобли ишлар бошланди.

Хусусан, шу мақсадда етти йиллик дастур қабул қилинади. Унга асосан, Темурийлар тарихи ҳамда Табиат музейларининг экспозицияси янгиланади. Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи капитал таъмирланади. Бундан ташқари, музейларимизда, хусусан, Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида Биринчи ва Иккинчи Ренессанс, давлатчилик тарихи ва буюк алломалар фаолияти бўйича янги экспозициялар ташкил этилади. Франция билан ҳамкорликда Миллий реставрация маркази фаолияти йўлга қўйилади. Муқаддас китоб — Усмон Қуръони саҳифалари консервация қилинади.

Юртимизнинг кўҳна тарихига бағишланган 18 та археология ёдгорлиги очиқ осмон остидаги музейга айланади. Соҳибқирон Амир Темур боғлари қайта тикланади, “Буюк ипак йўли” музейи барпо этилиб, Бибихоним мажмуасида реставрация ишлари бошланади.

Бундан 30 йиллар олдин Соҳибқирон Амир Темур боғларини қайта тиклашга киришилган эди. Афсуски, ўша пайтда кўчатлар агротехника илмига асосланмасдан экилгани, сув етиб бориши ҳамда дарахтлар тагидаги намликни сақлаш ва томчилатиб суғоришдек замонавий тежамкор тажрибалар қўлланмагани учун қуриб қолди. Бугун қир ёнбағирларида ҳам боғлар барпо этишдек қулай ва самарали тажрибага эгамиз. Бу орзуларимиздаги боғлар ҳақиқатга айланишига кафолат бўла олади.

Болаликда ёзги таътил чоғларида отам биз уч опа-сингилни Самарқандга зиёратга олиб келар эди. Мен йил давомида Самарқанд тавофига бориш хаёли билан яшардим. Самарқанднинг Регистони, Кўксаройи, Тиллакорисининг атрофида негадир ҳар йили ҳар хил қурилиш ишлари олиб борилар, бу қурилиш ишлари чалалигича йилдан-йилга кўчар эди. Мен Бибихоним мажмуасини қайта-қайта айланар эдим. Соҳибқирон Амир Темурнинг суюкли ёри, сирдоши ва маслаҳатгўйи, тахт ворисларининг тарбиячиси Бибихоним зиёратгоҳи йил сайин файзини йўқотиб, чўкиб борарди. Назаримда, мажмуа ичидан қандайдир куйик ҳид келгандек бўлар, зиёратгоҳнинг бир четида мен учун жуда азиз бўлган муҳтарама зот йиғлаб тургандек туюлаверарди.

Ҳа, бу балки умри давомида не-не туҳмат гулханларида куйган, тожу тахт учун кечган тўқнашувлар оташида ёниб адо бўлган донишманд маликанинг ўт ичра ўтган тақдири нафасидир. Энди бу улуғ зиёратгоҳнинг оҳлари Яратганга етиб борди. У янада кенгайди, реставрация қилиниб, бизга фахру ғурур бахш этмоқда. Бутун ер юзидан келадиган сайёҳларга битмас-туганмас афсоналар сўзлаяпти.

Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида ўзбек тилини ўқитиш самарадорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Миллий сертификатга эга бўлган ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларига келгуси ўқув йилидан бошлаб 50 фоиз устама тўланиши қайд этилди.

Яшириб нима қиламиз? Ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиларининг обрўси анча пастга тушиб қолган эди. Гўё бу фан чуқур ўргатилмаса ҳам бўлаверадигандек. Йўқ, энди бундай бўлмайди. Ҳаммамиз учун севимли ўзбек тили ва адабиётидан сабоқ берувчи ўқитувчиларнинг ҳам елкасига офтоб тегадиган бўлди. Бу забардаст елкаларда миллат маънавиятини юксалтиришдек шарафли юк бор. Бу юк жуда оғир ва қимматбаҳо. Уларнинг фани ахлоқ, одоб ҳақидаги фандир. Бу фан инсон онгида энг муқаддас туйғу — Ватанга муҳаббатни камол топтиради. Тилимизни севдиради, эътиқодларни тозалайди, қарашларни софлайди.

Барча фанларга муҳаббат, энг аввало, адабиётдан бошланади. Дейдиларки, Қуръон нозил бўлган даврда арабларда адабиёт ва шеърият энг юқори чўққига чиққан. Одамлар шунчалик маҳорат ҳосил қилдиларки, ўйламай тўғридан-тўғри шеър тўқир эди.

Бугун бу борада бизда аҳвол қандай? Тан олиш керакки, бир синфда 30 га яқин ўқувчи бўлса, уларнинг ярми шеър ёзиш тугул, шеър ёдлашни ёқтирмаслигига гувоҳ бўлдик. Адабиёт инсон қалбига мўъжизавий таъсир кўрсатади. Миллат болаларини бу мўъжизадан ўзбек тили ва адабиёт ўқитувчиси баҳраманд этади.

Муқаддас китобларда ёзилган: ҳақиқат йўлида илмнинг уч сабабини билмоқ керак. Булар ақл, соғлом ҳиссиёт ва тўғри хабар. Зеро, маънавиятимиз тарғиботи ҳам қалбларга тўғри хабар бермоқдир.

Ёш истеъдодларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашни мақсад қилган Зомин семинари мунтазам чин истеъдод соҳибларини кашф этмоқда. Мазкур семинар иштирокчиларини танлаш ва ижодини адолатли баҳолаш бўйича ишлайдиган ҳайъат аъзоларининг бири сифатида айтишим мумкинки, Зомин семинарига бориш учун ижодини тақдим этган ёшлар ичида янги истеъдодлар йилдан-йилга кўпайиб бормоқда ва бу давлат томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол самарасидир.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, юрт ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари, уйғоқ қалбли зиёлилар — шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маданият ҳамда маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққан. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига қираётган ҳозирги пайтда бизга жадид боболаримиз каби Ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур.

**Зулфия МЎМИНОВА,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира*

## Истеъдод

# Юз минг долларга СОТИЛМАГАН СУРАТ
## ёхуд ватанпарвар рассом эътиқоди

**Рассомнинг ўз дунёси бўлади. У кўпинча ўз тасаввурлари ва фантазиялари билан яшайди, бошлаб қўйган асарини тугатмагунича ётиб-туришию, еб-ичишида ҳаловат бўлмайди. Баъзан овқатланишни ҳам унутиб қўяди.**

Андижонда оддий деҳқон оиласида ўсиб-улғайган Жўра Асранни ҳеч бир табиат ҳодисаси бефарқ қолдирмас, ҳар бир гиёҳнинг ифори унинг тасаввурида бетакрор ранглар жилосига айланарди. Ёш Жўравой кўп рассомларнинг ижодини ўрганди, ранглар оламига бошлаган ҳар бир асар ўзининг тақдири, моҳияти, кўриниши билан уни мафтун этди, қўлига мўйқалам олишга ундади. Табиатдан ҳайратланиш, уни тинглаш ва дафтар саҳифаларига кўчириш рассомнинг доимий машғулотига айланди.

Мактабни битиргач, чизган суратларини қўлтиқлаб Тошкентга келди. Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институтига ҳужжат топширганида унинг асарлари ижодий танловда юксак баҳоланди. Талабалик йилларида машҳур мусаввирлар ижодини ўқиб-ўрганди, устозлардан сабоқ олди. Ўқишни тамомлаб, кўп йиллар пойтахтда ижод қилди. Низомий номидаги педагогика университетида ўз соҳаси бўйича ёшларга сабоқ берди.

Жўра Асран учун анъанавий рассомлик ҳаммасидан устун ва суйимли. Асарнинг композицион ечими, портретлардаги психологик ҳолат, иссиқ ва совуқ рангларни ўз жойида ишлатиш, асар руҳига сингдириш чидам билан ишлашни, эринмасликни, ҳар бир детални, ҳар бир штрихни кўздан қочирмасликни талаб этади. Рассом бўлишни ният қилган киши бу маҳоратларни, албатта, эгаллаши керак. Жўра Асран уйғониш даври рассомлари, Италия, Голландия, Россия, айниқса, атоқли ўзбек мусаввирлари — Чингиз Аҳмаров, Рўзи Чориев, Раҳим Аҳмедов, Баҳодир Жалолов, Жавлон Умарбеков ва бошқа уста санъаткорларнинг ижоди билан яқиндан танишди, улардан илҳом олди.

Бугун ўз асарлари билан дунёга танилган истеъдодли рассомларимиз кўп. Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси Жўра Асран улардан бири. Унинг бетакрор рангтасвир асарлари Австрия, Венгрия, Руминия, Германия, Ҳиндистон, АҚШ, Франция, Италия, Россия сингари кўплаб мамлакатларда ўтказилган халқаро кўргазмаларда намойиш этилган. Тошкент давлат юридик университети залининг деворига 1996 йилда чизилган Соҳибқирон Амир Темурнинг маҳобатли сурати ҳам мусаввир қаламига мансуб.

Рассом ватанимизнинг бой маданияти, тарихини мунтазам ўқиб-ўргангани боис, кўпгина асарларида миллий урф-одатларимизни қаламга олади. Унинг пейзаж, натюрморт, этюд ҳамда тарихий авангард, абстракция, холстга ишланган графика ва мозаика услублари, реаллик ва фантазия, интуиция ва ечим аниқлиги, фазовий уйғунликлар намоён бўлган асарлари кўпгина чет давлатларнинг хусусий коллекцияларидан жой олган.

1998 йилда Самарқандда Имом Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги, Фарғонада Аҳмад Фарғонийнинг 1200 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан бу улуғ алломалар сиймоси акс эттирилган асарларга танлов эълон қилиниб, таниқли мусаввир Жўра Асраннинг асарлари Бадиий академия томонидан халқаро мукофотга лойиқ кўрилди.

Мана, буюк муҳаддис Имом Бухорийнинг нуроний чеҳраси. Мусаввир бундан ўн икки аср илгари яшаб ўтган улуғ алломанинг киёфасини яратиш учун Имом Бухорий яшаган Челак туманидаги Хартанг қишлоғига бориб, ҳазрат қабрини зиёрат қилди, ўша ерда бир муддат яшади. Алломанинг руҳиятини, ҳаёти ва ижодини ўрганди, ҳадисларини синчиклаб ўқиди. Бу борада диний уламолар, тарихчи олимлар билан кўп мулоқот қилди. Ниҳоят, узоқ изланишлардан кейин асар тайёр бўлди. Расмнинг ўнг томонида муборак Маккаи мукаррама ва Мадинаи мунавваранинг тасвири, бошқа қисмида эса алломанинг умр сарҳадлари акс этган.



Жўра Асран Германиянинг Мюнхен шаҳрида бўлиб ўтган халқаро кўргазмада ўз асарлари билан қатнашганида мухлислардан бири рассомнинг “Она” деб номланган портрет асарини сотиб олмоқчи бўлади. Асар экспертлар томонидан юз минг долларга баҳоланади. Лекин Жўра Асран уни сотишга рози бўлмайди. Шу муносабат билан оммавий ахборот воситаларига берган интервьюсида у ўзбек миллатида Она, Ватан туйғуси ҳар нарсадан устун туришини, бу асарини сотса, ўзини онасига, Ватанига хиёнат қиладигандай ҳис этишини айтади. Ўшанда Жўра Асран дунёнинг энг ватанпарвар рассоми сифатида жаҳон матбуоти саҳифаларида қайд этилган эди. Унинг “Она” асари ҳали ҳам кўргазмаларда намойиш қилиняпти.

Жўра Асран кўп йиллар мобайнида пойтахтда ижод қилди. Устахонаси бўлмагани боис, аввал бир ўртоғининг Бодомзордаги хонадонида, кейинчалик Қўйлиқ мавзесини кесиб ўтадиган Чирчиқ дарёси атрофида қурилган дала ҳовлилардан бирида, танишининг уйида яшади, ўзи режалаштириб қўйган асарлар устида ишлади.

— Президентимиз бир гуруҳ зиёлилар билан учрашувда ижод аҳлига, энг аввало, яхши шароит яратиш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш давлатимизнинг диққат марказида эканини алоҳида таъкидлаб ўтган эди, — дейди рассом. — Давлатимиз раҳбарининг кўнгилни кўтарадиган ана шу сўзлари менга янада илҳом бағишлади.

Янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислоҳотлар, ҳаётимизда, жамиятимизда бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар, бунёдкорликлар мени янада баланд руҳ билан ижод қилишга ундайди. Бу тарихий ўзгаришларни қаламга олсам, дунёга кўрсатсам, замон билан ҳамнафас бўлсам, дейман. Ҳозир янги асарлар устида ишлаяпман. Кейинги пайтларда давлатимиз томонидан барча ижодкорлар, хусусан, рассомлар ижодига алоҳида эътибор, хориж мамлакатларида кўргазмаларини ташкил этишда моддий кўмак беріляпти. Бу менга куч-қувват бахш этади, янада ғайрат-шижоат билан ишлашга ундайди.

Қишлоқ жойларда яшаётган ёшларни ижодга жалб этиш, уларни қўллаб-қувватлаш, иқтидорларини юзага чиқаришга кўмаклашиш “Беш муҳим ташаббус”нинг биринчиси ҳисобланади. Жўра Асран бу ташаббусни амалда қўллаб-қувватлади, она юрти — Андижонга отланди. Хонобод шаҳрига келиб, бир-икки жойда ўз асарлари кўргазмасини ўтказди. Шу билан бирга, бу ерда расм чизиш билан шуғулланаётган иқтидорли ёшларнинг ғайрат-шижоатини кўриб, уларга устозлик қилишни кўнглига тугди. Бу, албатта, маҳаллий раҳбарларни қувонтирди, унга сўлим кентнинг ўзлаштирилмаган адирликларидан ер ажратилди.

Шундай қилиб, Жўра Асран Хонобод шаҳрида ёш рассомлар тўгарагини ташкил этди, бу ерда йигирмадан зиёд ўсмир йигит-қиз мўйқалам билан ишлаш сирларини ўрганмоқда. Уларнинг сони тобора ошиб боряпти. Рассомнинг ўзи ҳам Хонободда ўнга яқин янги асар яратди. Унинг “Бобочинор”, “Ҳаёт чархи”, “Дугоналар” каби асарларида табиат билан уйғунлик, бугунги кун руҳи уфуриб туради.

Мусаввир кўп маротаба халқаро даражада шахсий кўргазмалар ташкил этди. Бу ишда унга ҳомийлар кўмак берди. Ўша кўргазмаларда Жўра Асраннинг ижоди ҳақида мухлислар, мутахассислар томонидан айтилган, ёзиб қолдирилган эътирофлар оз эмас.

Маънавият, маърифат халқимизнинг азалий қадриятлари ҳисобланади. Ҳозир қайси хонадон ёки ташкилотга борманг, деворида, албатта, бирорта мусаввирнинг асари бор. Демак, халқимиз яхши санъат асарларини қадрлайди, улардан эстетик завқ олади. Бундан рассом манфаатдор, ҳам моддий рағбат олади, ҳам янги мавзуларга қўл уради.

Мусаввирнинг “Қўшқанот” номли асари жуда кўп хориж мамлакатларида кўргазмага қўйилган. Унда эгизак невараларини икки қўлига кўтариб олган, фарзандлари бахтини кўриб, неваралари даврасида шодумон юрган аёл акс этган. Шу билан бирга, аёлнинг чеҳрасида ғам-ташвиш сояси, ўй-хаёллар қарама-қаршилиги ҳам намоён. Чунки ҳаётнинг, яшашнинг ўзи бахт, аммо тирикчиликнинг ўзига яраша ташвишлари ҳам бор. Жўра Асран чизаётган асардаги ҳар бир жараён унинг мўйқаламидан жило топиб боради, тасвирлар мукаммаллашади, ранглар қуюқлашади. Бу ижод оламининг давомийлигидир

Миллий маънавиятимиз ривожини тасвирий санъат намуналарисиз тасаввур этиб бўлмайди. Ўзбек рассомларининг кейинги йилларда самарали ижод қилиб, янги ютуқларни қўлга киритаётгани, бу соҳага кўплаб ёш истеъдод эгалари кириб келаётгани унинг равнақи ва истиқболидан далолат беради. Чет элларда ташкил этиладиган кўргазмалардан кўзда тутилган мақсад эса ўзбек миллатини, буюк аждодларимиз кимлар эканини, ҳар соҳада илғор бугунги кун фидойиларини дунёга танитишдан иборат. Рассом ўз асарларида мустақиллик берган имкониятларни намоён қилиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорликлар ва ободончиликларни кўрсата олиши керак. Ана шу масъулият мусаввирни янги ғоялар сари ундайди.

Жўра Асран бугунги кунда ёш рассомларга устозлик қилиш билан бирга, асарлар яратиш йўлида тинмай изланяпти. Уларнинг ҳар бирида юрт нафаси, мустақиллик тафти мужассам.

У ҳозир ўз асарлари билан нафақат юртимизда, балки жаҳон музейларида ҳам кўргазмаларини ташкил этишга тайёргарлик кўрмоқда.

**Нуруллоҳ ОСТОНОВ,**
*журналист*

**ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Kolorpak” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 238.
8848 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“Kolorpak” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Нодир Маҳмудов
Мусаҳҳиҳ: Шерзод Маҳмудов
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33 Девонхона ва эълонлар: (71) 233-70-98 E-mail: info@yuz.uz Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05

ЎзА якуни — 00:22 Топширилди — 01:45